
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

**Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги
Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг
ХУЛОСАСИ**

Тошкент – 2020 йил

МУНДАРИЖА

I. Кириш	4
II. 2021 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози	4
<i>Ялли ички маҳсулот.....</i>	<i>5</i>
<i>Ташиқ савдо айланмаси.....</i>	<i>7</i>
III. Бюджетнома лойиҳасида кўзда тутилган 2021 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари.....	8
3.1. 2021 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари	8
<i>Кўшилган қиймат солиғи</i>	<i>8</i>
<i>Акциз солиғи</i>	<i>10</i>
<i>Фойда солиғи</i>	<i>10</i>
<i>Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.....</i>	<i>11</i>
<i>Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ</i>	<i>11</i>
<i>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.....</i>	<i>12</i>
<i>Мол-мулк солиғи.....</i>	<i>13</i>
<i>Ер солиғи</i>	<i>14</i>
<i>Ижтимоий солиқ</i>	<i>16</i>
<i>Айланмадан олинадиган солиқ</i>	<i>17</i>
3.2. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси	24
3.3. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадларининг 2020 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2021 йил учун прогнози.....	27
<i>Давлат солиқ қўмитаси тушумлари</i>	<i>29</i>
<i>Кўшилган қиймат солиғи</i>	<i>30</i>
<i>Акциз солиғи</i>	<i>31</i>
<i>Фойда солиғи</i>	<i>32</i>
<i>Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.....</i>	<i>33</i>
<i>Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ</i>	<i>34</i>
<i>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.....</i>	<i>36</i>
<i>Мол-мулк солиғи.....</i>	<i>37</i>
<i>Ер солиғи</i>	<i>38</i>
<i>Айланмадан олинадиган солиқ</i>	<i>40</i>
<i>Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар</i>	<i>40</i>
<i>Йирик инвестиция лойиҳалари бўйича.....</i>	<i>40</i>

<i>Давлат божхона қўмитаси тушумлари</i>	41
<i>Молия вазирлиги тушумлари</i>	43
<i>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тушумлари</i>	44
IV. Бюджетнома лойиҳасида кўзда тутилган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари ...	45
4.1. 2021 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари	45
4.2. 2020-2022 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий мақсадлари.....	49
4.3. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш	52
4.4. 2020 йил Давлат бюджети харажатлари таркибининг таҳлили	58
<i>2021 йил харажатларини ҳисоблаш тартибини таҳлили</i>	58
<i>2021 йил учун консолидациялашган бюджет харажатларининг жамланма параметрлари таҳлили</i>	59
<i>Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари ҳамда ҳудудларга таширфларида белгиланган вазифаларнинг акс эттирилганлиги</i>	62
<i>Давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун йўналтириладиган харажатлар таҳлили</i>	65
<i>Кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш учун режалаштирилган маблағлар таҳлили</i>	66
<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари</i>	68
4.5. Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари таҳлили	72
V. Бюджет ижросининг шаффофлиги	76
VI. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги	78
VI. Хулоса	80

I. Кириш

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 96-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 2021 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (кейинги ўринларда Ҳисоб палатаси деб юритилади) Хулосаси тайёрланди.

Хулосани тайёрлаш жараёнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 97-моддасига асосан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиш учун жорий йилнинг 20 сентябрга қадар киритилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва бюджетнома Ҳисоб палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 октябрдаги 02/1-1-сонли хати билан белгиланган (20 сентябрь) муддатдан 38 кун кечиктириб киритилган.

Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқишда Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, харажатлар таркибида улуши кўп бўлган соҳавий вазирликлар ҳамда бюджет даромадларида улуши юқори бўлган йирик солиқ тўловчи идоралар билан ҳамкорликда даромадлар ва харажатлар асосланганлигини таъминлаш бўйича бевосита иш олиб борилди.

II. 2021 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози

2021 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози тайёрланишида қуйидагилар ҳисобга олинган:

- макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ҳамда ўрта муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда барқарор ижобий тенденцияни ушлаб туриш;

- иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, инвестициявий жозибadorликни ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган солиқ сиёсати ислохотларини давом эттириш;

- фискал таваккалчиликларни инобатга олиб, давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш, давлат қимматли қоғозлар муомаласига асосланган бозор инструментларини ишлаб чиқиш орқали бюджетни прогнозлаштириш ва унинг баланслилигини таъминлашда стратегик ёндашишни жорий этиш;

- фискал сиёсат ва тизимда институционал салоҳиятни кучайтириш ҳамда бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулиятини ошириш каби фискал сиёсатнинг асосий мақсадларини амалга ошириш.

Ялпи ички маҳсулот

2021 йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми 688 936,1 млрд сўмни ёки 63,2 млрд долларни, унинг аҳоли жон бошига миқдори 19,7 млн сўмни ёки 1,8 минг долларни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2021 йилда реал ўсиш суръати 5,1 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Прогноз қилинаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг таркиби кўриб чиқилганда, тармоқлар бўйича жами кўшилган қиймат миқдори 627 257,9 млрд сўмни (ялпи ички маҳсулотнинг 91,0 фоизи) ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми 61 678,1 млрд сўмни (9,0 фоиз) ташкил этмоқда.

Тармоқлар кесимида кўшилган қийматнинг энг катта улуши (32,3 фоиз) хизматларга тўғри келган бўлиб, ушбу тармоқ бўйича ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 222 572,4 млрд сўмни ташкил этиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу кўрсаткич саноат бўйича 176 423,2 млрд сўм (25,6 фоиз), қурилиш бўйича 44 785,5 млрд сўм (6,5 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича 183 476,9 млрд сўм (26,6 фоиз) миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Кутилаётган реал ўсиш миқдори қурилиш бўйича 6,5 фоизни, хизматлар бўйича 6,4 фоизни, саноат бўйича 5,8 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича 2,7 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар 3,9 фоизни ташкил этмоқда.

1-жадвал


Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2021 йилги ЯИМ прогнози

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Миқдори	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2020 йилга нисбатан реал ўсиш (фоиз)
	Ялпи ички маҳсулот, жами	688 836,1	100,0	105,1
I.	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	627 257,9	91,0	105,2
1.	Саноат	176 423,2	25,6	105,8
2.	Қурилиш	44 785,5	6,5	106,5
3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	183 476,9	26,6	102,7
4.	Хизматлар	222 572,4	32,3	106,4
II.	Маҳсулотларга соф солиқлар	61 678,2	9,0	103,9

1-расм

Ялпи ички маҳсулот таркиби



- Саноат
- Қурилиш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Хизматлар
- Маҳсулотларга соф солиқлар

Ташқи савдо айланмаси

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва экспортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар ҳисобига 2021 йилда Республикада ташқи савдо айланмаси 41 850,6 млн АҚШ долларини, шу жумладан экспорт ҳажми 19 163,0 млн АҚШ долларини ва импорт ҳажми 22 687,6 млн АҚШ долларини этиши кутилмоқда.

2-жадвал

2021 йилда кутилаётган ташқи савдо айланмаси

млн АҚШ dollari

Кўрсаткичлар	2020 йил кутилаётган		2021 йил прогноз		Ўзга-риши (фоиз)
	Амалдаги миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	Миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	
Ташқи савдо айланмаси	38 567,8		41 850,6		108,5
Экспорт	17 679,2	30,2	19 163,0	30,9	108,4
Импорт	20 888,6	35,7	22 687,6	35,9	108,6
Сальдо	-3 209,4		-3 524,6		х

Экспорт ҳажми 2020 йилга нисбатан 8,5 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30,9 фоизига, импорт ҳажми эса 8,6 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 35,9 фоизига тўғри келиши кутилмоқда.

Ташқи савдо айланмаси сальдоси салбий баланс (- 3 524,6 млн доллар) билан яқунланиши баҳоланмоқда.

III. Бюджетнома лойиҳасида кўзда тутилган 2021 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари

3.1. 2021 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари

2021 йил учун солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш доирасида лойиҳада қатор ўзгаришлар кўзда тутилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи бўйича амалдаги солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш ва унинг ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишидан бўйин товлаш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, қуйидагилар ҳисобига тушум ҳажмидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган корхоналар тоифаси кенгайтирилмоқда:

а) алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шохобчалари;

б) бозорлар ва савдо комплекслари;

в) суғориладиган ер майдони 30 гектардан ортиқ бўлган фермер хўжаликлари.

Солиқ кодекси билан берилган жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари хизматлари (бюджетдан молиялаштириладиганлар бундан мустасно), шунингдек спорт иншоотлари оммавий-маданий тадбирлар ташкил қилишдан даромадлар қисмида қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз бекор қилинмоқда.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонунининг 4-моддасида 2020 йилнинг 1 январигача қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилиши қайд этилган.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан солиқлар бўйича айрим имтиёзлардан фойдаланишни охириги муддатлари аниқ белгилаб берилмаганлиги сабабли, амалиётда улардан фойдаланишда ноаниқликлар юзага келиб чиқмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги “2005 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари, дон етиштириш ва давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш ҳажмлари тўғрисида”ги 440-сон қарорининг 8-бандида 2004 йилдан бошлаб ҳам республика ташқарисидан олиб келинган, ҳам республикада етиштирилган бошоқли экинлар уруғлари дон хом ашёси қиймати чегириб ташланган ҳолда қайта ишловчи корхоналарнинг харажатлари учун қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олувчи нархлар бўйича сотилиши белгиланган (*ушбу имтиёздан фойдаланишни охириги муддати белгиланмаган*).

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сон Фармонининг 3-бандига асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинган.

Шунга қарамасдан, “Ўздонмаҳсулот” АЖ таркибидаги ташкилотлар томонидан қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлардан фойдаланилмоқда ва бу ҳолат товарлар қийматининг ошишига таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот учун: қарорга асосан 2020 йилнинг январь-август ойларида қўшилган қиймат солиғи бўйича 10 та ҳолатда 5,3 млрд сўм имтиёздан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги ПҚ-1672-сон қарорнинг 2-бандида 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги қайд этилган (*ушбу имтиёздан фойдаланишни охириги муддати белгиланмаган*).

Маълумот учун: қарорга асосан 2020 йилнинг январь-август ойларида қўшилган қиймат солиғидан 44 та ҳолатда 0,6 млрд сўм имтиёздан фойдаланилган.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 июлдаги ПФ-2343-сонли Фармонига асосан тижорат фаолиятидан 18 ҳолатда 309,1 млн сўм, 2018 йил 24 ноябрдаги ПҚ-4028-сон қарорига асосан 5 ҳолатда 71,9 млн сўм, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги 41-сонли қарорига асосан 7 ҳолатда 9 945,9 млн сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланилган (*ушбу имтиёздан фойдаланишни охириги муддати белгиланмаган*).

Юқоридагиларни инобатга олиб, Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси ҳамда Давлат божхонаси кўмитаси билан биргаликда амалдаги солиқ имтиёзларини тўлиқ инвентаризация қилган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва уларни бекор қилиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Акциз солиғи

Ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг алоҳида турлари бўйича акциз солиғи ставкалари тенглаштирилмоқда.

Мобиль алоқа хизматларига акциз солиғи ставкасини 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш, цемент (клинкер) ишлаб чиқаришга (кўмирда ишлаб чиқариш ҳажмидан ташқари) 10 фоиз солиқ ставкаси миқдорида акциз солиғи жорий этиш ва бир вақтнинг ўзида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини 10 фоизгача пасайтириш таклиф этилмоқда.

Қатъий суммада белгиланган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи суммаларини 2 босқичда (1-босқич 2021 йил 1 февралдан, 2-босқич 1 октябрдан), нефть маҳсулотлари бўйича эса 2021 йил 1 февралдан индексация қилиш назарда тутилмоқда.

Фойда солиғи

Фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдорида ва дивидендлар кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ ставкаси 5 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Фоизли даромадларни олувчида (норезидентлар бундан мустасно) уларнинг солиқ мавқеидан қатъий назар, солиққа тортилишини назарда тутувчи солиққа тортишнинг ягона тартиби белгиланиши таклиф этилмоқда.

Фойда солиғини ҳисоблашга таъсир қиладиган харажатларни тартибга солиш таклиф этилмоқда, жумладан:

- солиқ тўловчилари томонидан текинга олинган, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича мақсадли имтиёзлар ҳисобига харид қилинган (барпо этилган) асосий воситалар ва бошқа мол-мулк учун амортизация ҳисобланмаслиги ўрнатилмоқда;

- фойда солиғини ҳисоблашда амортизация ажратмаларини қайта баҳолашни (қийматни пасайтиришни) ҳисобга олмаган ҳолда бошланғич қийматдан ҳисоблаб чиқариш тартиби жорий этилмоқда;

- 2021 йил 1 январдан бошлаб асосий воситаларни 1 январь ҳолатига қайта баҳолашнинг мажбурий тартиби бекор қилинмоқда.

Шу билан бирга, асосий воситалар ва бошқа мол-мулк учун амортизацияланадиган қиймат сифатида қуйидагилар назарда тутилмоқда:

а) 2021 йил 1 январгача харид қилинган бўлса - 2020 йил 1 январгача ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган бошланғич (тикланиш) қиймати;

б) 2021 йил 1 январдан кейин харид қилинган бўлса - бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган бошланғич қиймат.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 12 фоиз миқдорида ва фуқароларнинг ШЖБПҲга йўналтириладиган ажратмалар миқдори 0,1 фоиз миқдорида (12 фоизли даромад солиғи таркибига киритилган) ҳамда ўзини-ўзи банд қилган шахслар даромад солиғини тўлашдан озод қилиниши сақлаб қолинмоқда.

Ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича имтиёз бекор қилиниши таклиф этилмоқда.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича белгиланган солиқ ставкалари сақлаб қолинмоқда.

Қурилиш материалларига кирувчи фойдали қазилмаларни алоҳида турлари бўйича солиқ ставкалари унификация қилиниши ҳисобига қум-шағал аралашмаси, қурилиш қумлари, қурилиш майда тошлар, қумтошлар – 5 фоиз, бироқ 7 500 сўм/куб.м.дан кам бўлмаган миқдорда белгиланган таклиф этилмоқда.

Цемент ишлаб чиқариш учун цемент хом ашёси ва оҳактош бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун ягона солиқ ставкаси 10 фоиз миқдорда белгиланмоқда ҳамда бир вақтнинг ўзида цемент ишлаб чиқариш учун кўмирдан фойдаланувчи заводлар учун белгиланган камайтирувчи ставкалар бекор қилинмоқда.

“Хавфсиз дарё” ДУК билан тузилган шартномаларга асосан дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шағал материалларининг (ишлов берилмаган) ҳар бир 1 куб.м учун шартнома тузилган кунда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизига туширилмоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 1,15 фоизга индексация қилиш ва иқтисодиётнинг тармоқ корхоналари учун алоҳида 30 фоиз миқдорида солиқ ставкасини белгилаш таклиф этилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон хўжаликлари бўйича 1 куб.м учун 40 сўм миқдорда ягона солиқ ставкаси белгиланмоқда.

Сувдан фойдаланувчиларга сувни етказиб бериш харажатларини коплаш учун қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми бўйича солиқ ставкасига 1,05 коэффицент қўлланилиши жорий этилмоқда.

Автотранспорт воситаларини ювишда ишлатиладиган ер усти сув ҳажми учун белгиланган солиқ ставкаларини ер ости сув манбалари учун белгиланган солиқ ставкалари билан тенглаштирилмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарида махсус ускуналарни (турбина) совутиш учун ишлатилган сув ҳажми бўйича солиқ табиий сув объектларидан олинган ва табиий сув объектларига қайтариб қуйилган сув ҳажмлари ўртасидаги фарқдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши белгиланмоқда (ушбу норма сув ҳисоби мавжуд бўлганда қўлланилади).

Таклиф ва мулоҳазалар:

Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда қишлоқ хўжалигига сарфланадиган сув ҳажми 30,7 млрд куб.метрни ташкил қилиб, келгуси йилда ҳам сув истеъмоли шу даражада сақланиб қолиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик тармоғини кўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4816-сонли қарори билан балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилган сувнинг ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмини аниқлаш имкони бўлмаганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси белгиланган сувни истеъмол қилиш нормативларининг 50 фоизи миқдорида белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигига сарфланадиган сув ҳажмини 50 фоизи ҳисобга олинса, амалдаги ставка бўйича **1 076,7 млрд сўм** солиқ ҳисобланиши лозим бўлади.

Келгуси йилда ҳам сув истеъмоли жорий йил даражасида сақланиб қолиши кутилмоқда ҳамда 2021 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик ерларини суғориш қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон

хўжаликлари бўйича 1 куб.м учун ягона солиқ ставкаси сифатида белгиланаётган **40 сўмдан** ҳисоб-китоб қилинса, **615,3 млрд сўм** прогноз ўрнатилиши лозим бўлади (2021 йил учун мўлжалланган бюджет даромадлари таркибида мазкур солиқ бўйича 387,0 млрд сўм прогноз белгиланган).

Таҳлилларимизга кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун белгиланган ва таклиф этилаётган солиқ ставкаси жуда юқори бўлиб, ушбу **солиқ ставкасини камайтириш** тавсия этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 16 сентябрь куни ўтказилган йиғилишнинг 84-сонли баёни 12-бандида 2021 йил давлат бюджет параметрларини белгилашда сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини **2021 йилда 50 фоизга пасайтирилган ҳолда белгилашни** назарда тутиш қайд этилган.

Мол-мулк солиғи

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 2 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Пасайтирилган солиқ ставкасини 0,2 фоизли даражага ошириш ва уни кўйидагилар учун 0,4 фоиз миқдорда белгилаш таклиф этилмоқда:

- умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

- консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари 1,15 бараварга индексация қилинмоқда.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Амалдаги тартибга асосан, мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш базаси:

- юридик шахслар учун кўчмас мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати;

- жисмоний шахслар учун кўчмас мулкнинг кадастр қиймати ҳисобланади.

Солиқ солиш базасидаги тафовутлар, юридик шахсларнинг турли схемалардан фойдаланиш орқали солиқ суммасини камайтириш имкониятидан фойдаланишга шароит яратиб бермоқда.

Бу ўз навбатида, солиқ солишнинг адолатлилик тамойили бузилишига олиб келмоқда.

Мисол учун, юридик шахс томонидан 2 млрд сўмлик қурилишлар амалга оширилиши натижасида ўз эҳтиёжи учун турар жой объекти пайдо бўлди. Ундан ҳисобланадиган солиқ суммаси 40 млн сўмни ташкил қилади. Агар юридик шахс ушбу кўчмас мулкни жисмоний шахсга 2 млрд сўмга сотиб юборса, солиқ солиш базаси юзага келмайди. Орадан бир ой ўтиб жисмоний шахс мазкур кўчмас мулкни бошқа жисмоний шахсга 200 млн сўмга, кейинчалик сотиб олган жисмоний шахс эса бошқа юридик шахсга 100 млн сўмга сотиб юборади.

Бунда, мол-мулкни сотиб олган юридик шахс мол-мулк солиғини ўртача йиллик қолдиқ қийматдан (100 млн сўм) 2 млн сўм мол-мулк солиғи тўлайди ва қонуний йўл билан 38 млн сўм солиқни тўламаслик имкониятига эга бўлади.

Шу боис, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда **адолатлилик тамойилини таъминлаш мақсадида**, юридик шахсларнинг кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда солиқ солиш базаси сифатида мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, бироқ **кадастр қийматидан кам бўлмаган** суммадан ҳисоблаш тартибини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунда, жисмоний шахсларнинг турар жой ва нотурар объектларини кадастр қийматини ҳисоблаш тартибларини (нотурар объектлар тоифаси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 июлдаги 561-сонли қарори, турар жойлар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1043-сонли қарори) юридик шахсларнинг кўчмас мулк объектларини кадастр қийматини аниқлаш учун татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, мол-мулк солиғи ставкаларини кўчмас мулкнинг тоифаларидан келиб чиқиб **юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил ставкаларни** жорий этиш таклиф этилади.

Ер солиғи

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи базавий ставкаси 1,15 бараварга индексация қилинмоқда.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини камайтирувчи коэффициенти 0,15 даражага оширилмоқда ва 0,25 миқдорда белгиланмоқда.

Аввал берилган имтиёзлар ўрнига бюджет ташкилотларидан ташқари, спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ер участкаларига нисбатан юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларига камайтирувчи 0,25 коэффициент қўллаш таклиф этилмоқда.

Юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари учун норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда солиқ ставкаси сақлаб қолинмоқда.

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд қилинган ерларга солиқ солиш тартиби бекор қилинмоқда ва бу тоифадаги ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда 2 коэффициент қўлланилиши белгиланмоқда.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига эга бўлган деҳқон хўжаликлари учун (0,35 га) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун белгиланган ставкада ер солиғини ҳисоблаш жорий қилинмоқда.

Томчилатиб суғориш қўлланилган ерлар – томчилатиб суғориш жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга ер солиғи бўйича берилган имтиёзлар бошқа сувни тежайдиган (ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) технологиялар жорий этилган ерларга ҳам татбиқ этилиши таклиф этилмоқда. Бунда, сувни тежайдиган суғориш технологиялари тизими жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида демонтаж қилинса, солиқ имтиёзлари бутун солиқ даври учун бекор қилинади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қуйидаги тартибларни жорий этиш ҳуқуқи берилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашилари (Тошкент шаҳри бундан мустасно) – базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғининг 0,5 дан 2,0 коэффициентгача ставкаларини белгилаш;

халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашилари ўзларининг туманлари (шаҳарлари) нуфузли жойидан (мавзе, массив, маҳалла, кўча) келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашилари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса белгиланган базавий солиқ ставкада, ер солиғи ставкасига 0,7 дан 1,3 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларини киритиш ва ҳар йили белгиланган чегаралар долзарблигини аниқлаш.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июлдаги “Ер ресурслари ва давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6027-сон Фармонининг 4-бандида

2021 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда республиканинг туристик зоналаридаги алоҳида ер участкалари, шу жумладан жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган **1 гектардан ортиқ** ер участкалари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер солиғининг **3 бараваригача** оширилган ставкасини белгилаш имкониятини кўзда тутиш қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июлдаги ПФ-6027-сон Фармонининг **4-банди ижросини таъминлаш** мақсадида лойиҳада мазкур меъёрларни кўзда тутиш лозим.

Ижтимоий солиқ

Ижтимоий солиқ ставкаси бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз, бошқа солиқ тўловчилар учун 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек уларнинг ёлланма ходимлари учун ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 фоизи миқдорида ягона ставкаси белгилаш таклиф этилмоқда.

Фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг оила аъзолари учун ижтимоий солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланмоқда:

- якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзолари томонидан – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 фоизи;
- бошқа оила аъзолари томонидан – йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида.

Иш стажини ҳисоблаб чиқариш учун йилига ижтимоий солиқнинг ягона ставкасини қуйидаги тоифадаги солиқ тўловчилар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгиланмоқда:

- ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар;
- “Хунарманд” уюшмасининг хунармандчилик фаолияти субъектлари бўлган, қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган аъзолари томонидан ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида;
- деҳқон хўжаликлари томорқа ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришлаётган жисмоний шахслар.

Бунда, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун (бундан ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи хунармандчилик фаолияти субъектлари бўлган “Хунарманд” уюшмасининг аъзолари мустасно) солиқ миқдори унинг белгиланган энг кам

миқдоридан 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб қолиш таклиф этилмоқда.

Айланмадан олинадиган солиқ

Айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкалари 2020 йил даражасида ва солиқнинг бутун суммасини маҳаллий бюджетга тушиш тартиби сақлаб қолинмоқда.

Риэлторлик фаолиятини юритувчи шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 25 фоиздан 13 фоизга пасайтирилмоқда.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган солиқлар турига **айланмадан олинадиган солиқ** киритилмаган.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 18-моддасига асосан “айланмадан олинадиган солиқ” махсус солиқ режими сифатида белгиланиб, унда айрим солиқларни тўлашдан озод этиш, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллаш назарда тутилган.

Бироқ, Солиқ кодексининг 66-бобида айланмадан олинадиган солиқ режимида тўланиши озод этилиши, ставкалари пасайтирилиши ва имтиёз берилиши белгиланган солиқлар ёритилмасдан, айланмадан олинадиган солиқ тури кўрсатилган ҳамда уни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиблари келтирилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Солиқ кодексининг 17-моддасига “айланмадан олинадиган солиқ”ни **солиқ тури сифатида** киритиш мақсадга мувофиқ.

Давлат божси ва йиғимлар бўйича

Олтиндан ясалган заргарлик буюмларни чакана савдода сотганлик учун ундириладиган йиғим бўйича:

Йиғим тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида, амалдаги йиғим ставкаси (1 грамм учун 1000 (минг) сўм) сақлаб қолинмоқда.

Солиқ кодексига алоҳида 65¹-боб билан мазкур йиғимни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби белгиланмоқда.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сон қарорининг 18-бандида Вазирлар Маҳкамаси:

ов қилиш ҳуқуқига доир рухсатнома берганлик учун **давлат божи** миқдорини ошириш;

ов қуролини ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқдориларини, шунингдек, тиғли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш учун тўланадиган йиғим миқдорини ошириш бўйича таклиф киритиши белгиланган.

Бироқ, ушбу топшириқ ижроси таклиф этилаётган **бюджет лойиҳасида акс эттирилмаган.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон Фармонининг 8-бандида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан — 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 289-моддасида товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва ушбу Кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланиши белгиланган:

божхона божи;

қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи;

божхона йиғимлари.

Шунингдек, ушбу Кодексининг 291-моддасига асосан божхона органлари томонидан қуйидаги ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилганлиги учун божхона йиғимлари ундирилади:

божхона расмийлаштируви;

божхона расмийлаштируви учун белгиланган жойлардан ташқаридаги ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтдаги божхона расмийлаштируви;

товарларни божхона органи эгалигидаги божхона омборида сақлаш;

транспорт воситасини божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш;

дастлабки қарорни қабул қилиш;

товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга, товарларни божхона ҳудудидида қайта ишлашга рухсатномалар бериш;

интеллектуал мулк объектларини Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш;

юримдик шахслар томонидан олиб кириладиган нақд чет эл валютасининг божхона расмийлаштируви.

Бирок, лойиҳада мазкур йиғим божхона органлари томонидан ундирилиши белгиланиб, ундирилган пул маблағлари қайси бюджетларга ўтказилиши ёки божхона **йиғими сифатида кўрсатилмаган**.

Маълумот учун: 2020 йилнинг январь-октябрь ойларида 346,2 минг тн пахта ип-калава ва 26,0 минг тн трикотаж матоси экспорт қилинган, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра уларнинг йиғими 38,3 млрд сўмни ташкил этмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калава ва трикотаж матони олиб чиқишда ундириладиган йиғимни ўтказилиши лозим бўлган бюджет даражасига **аниқлик киритиш лозим** бўлади.

Солиқ ва бюджет маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга, ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур қонунчилик нормасини амалда қўлланилиши ўрганилганда, 2020 йилнинг 24 сентябрь ҳолатига солиқ органлари томонидан 7 483 та субъектларнинг банк операциялари суд қарорларисиз 10 кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйилганлиги аниқланди.

Тадбиркорлик субъектларининг банк операцияларини тўхтатиш муддати 10 кундан кўп бўлган ҳолларда суд қарори мавжуд бўлмаса, банклар томонидан солиқ органининг қарорларини бажаришни давом эттириш ёки бекор қилиш тартиби Солиқ кодексининг 113-моддасида аниқ белгиланмаган.

Хусусан, 111-модданинг биринчи қисмида солиқ органи қарори билан банк ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатилган субъектларнинг операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилиши белгиланган.

Бироқ, солиқ органи ўн кунлик муддат тугагунга қадар судга илтимоснома билан мурожаат этмаган ҳолатларда, банкнинг операцияларини тўхтатиб туриш жараёнини давом эттириш ёки бекор қилиш тартиби ёритилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Солиқ кодексининг 111-моддаси биринчи қисмини қуйидаги **хатбоши билан тўлдириш** таклиф этилади:

“Агар солиқ органи қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун муддатда судга илтимоснома билан мурожаат этмаган ва бу ҳақда тижорат банки хабардор қилинмаган тақдирда, солиқ тўловчининг ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилмаган деб ҳисобланади.”.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 466-моддасига асосан ҳисобот солиқ даврида солиқ базасини кўпайтириш ёки камайтириш даромадларга тузатиш киритиш деб эътироф этилади.

Даромадларга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгарганда;
- 3) нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловлардан фойдаланганда;
- 4) кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган даромадларга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида даромадларга тузатиш киритиш биринчи қисмига ҳавола қилинган ҳолда амалга оширилиши нотўғри кўрсатилган. Ҳақиқатда учинчи ва тўртинчи қисмлар бўйича даромадларга тузатиш киритиш иккинчи қисмга ҳавола қилинган ҳолда амалга оширилади.

Кодекснинг рус тилидаги матнида 466-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида иккинчи қисм ҳавола қилинган ва тўғри кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Солиқ кодексининг ўзбек ва рус тилларидаги матнининг **466-моддасини бирхиллаштириш** лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги “Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПҚ-4846-сон қарорининг 9-бандида Солиқ кодекси ва бошқа конун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали Давлат солиқ қўмитаси томонидан:

солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатини юритишни;

“таваккалчиликни таҳлил қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизими воситасида аниқланадиган, йиллик айланмаси охириги уч йил мобайнида 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар (таваккалчилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно) ихтиёрий тугатилганда Рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг солиқлар бўйича хулосалари солиқ органлари томонидан тан олинишини белгилаш қайд этилган.

Мазкур қарор бўйича топшириқлар **“Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида акс эттирилмаган.**

4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 72-моддасида:

(иккинчи қисм) солиқ ставкалари, агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу **Кодекс билан белгиланиши;**

(учинчи қисм) акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва қатъий белгиланган суммада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари **Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни** билан белгиланиши, акциз солиғининг ставкалари, маҳсулот нархи динамикасида ва реализация қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 289-моддасида божхона божларининг ва **солиқларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти** томонидан белгиланиши қайд этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар учун акциз солиғи ставкалари ушбу Кодексга киритилган ҳолда жамланмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Божхона кодексининг 289-моддаси учинчи қисмидаги **“ва солиқларнинг”** деган сўзларини **чиқариб ташлаш** лозим.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон қарорининг:

- 12-бандида рентабеллик даражасидан келиб чиқиб, “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ учун фойда солиғи ставкалари;

- “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖга ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси олтин, палладий ва кумуш учун 20 фоиз ва мис бўйича 15 фоиз миқдорида тасдиқланиши;

- 14-бандида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларига қонунчиликда олий таълим муассасалари учун назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилиши ва 2020 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий солиқнинг 12 фоиз миқдордаги ставкаси қўлланилиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарори билан белгиланган ставкаларни **Солиқ кодексининг тегишли моддаларига киритиш мақсадга мувофиқ** ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 460-моддасида автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари сотиб олинганда, йиғим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4397-сон қарорининг 3-бандига асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб юртимизда ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун йиғим автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланиши қайд этилган.

Бироқ, “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан 2020 йил давомида **йиғим тўланмасдан келинмоқда.**

Маълумот учун: “UzAuto Motors” АЖ томонидан 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 582,6 млрд сўм йиғим тўланмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчиларни йиғим тўлашдан озод этишни белгиловчи **имтиёзни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ** ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг:

- 9-моддасида солиқларни ва йиғимларни белгиловчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар ушбу Кодекста бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчиларни ҳамда ушбу солиқларнинг ва йиғимларнинг барча элементларини, шу жумладан уларни **тўлаш муддатлари ва тартибини аниқлаб бериши кераклиги**;

- 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиғимлар белгиланиши мумкинлиги, йиғимларни жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ушбу Кодекста ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланиши;

- 74-моддасида солиқлар ва йиғимларни турлари бўйича ҳисоблаб чиқариш тартиби ҳамда тўлаш муддатлари ушбу Кодекснинг Махсус қисмида белгиланиши қайд этилган.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг XIX бўлимида (Йиғимлар) автотранспорт йиғимларининг турлари бўйича уни тўловчилари, объекти, базаси, имтиёзлари ва тўлаш тартиби белгиланган.

Бундан ташқари, “Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг 65¹-боби билан заргарлик буюмларни чакана сотиш учун йиғимни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби киритилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган **йиғимлар турларини жамлаш**, уларнинг ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини ушбу **Кодекс билан белгилаш мақсадга мувофиқ** ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси 13-бандига асосан Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат органлари - ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, илмий, бадий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Таҳлилларга кўра, ушбу Қонунда **мол-мулкни эгасиз деб** топиш тўғрисидаги даъво аризаларини киритиш назарда тутилмаганлиги натижасида ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ички ишлар органлари

томонидан ушбу турдаги даъво аризалари бўйича давлат божи масаласини ҳал қилишда муаммолар юзага келаётганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида “мол-мулкни эгасиз деб топиш” тўғрисидаги даъво аризалари **давлат божидан озод қилинишини белгилаш мақсадга мувофиқ** ҳисобланади.

8. Суриштирув ёки дастлабки тергов давомида жиноят туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун пул маблағлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тижорат банкларидаги депозит ҳисобварағига топширилади ҳамда кейинчалик суднинг ижро ҳужжатиغا асосан ижро органлари томонидан тегишли даъвогарларга ўтказилиши таъминланади.

Олий судда ўтказилган ўрганишда, судларнинг 78 та ижро ҳужжати бўйича давлат фойдасига ўтказилган (етказилган зарарни қоплаш мақсадида) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар депозит ҳисобварақларига олинган 6,2 млрд сўм маблағларни тегишли бюджетларга ўз вақтида ўтказилмасдан қолганлиги аниқланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят иш доирасида қабул қилинадиган пул маблағларини **Ғазначилик ҳисобварақларига ўтказиш ва кейинчалик суднинг ижро варақасига асосан** (Мажбурий ижро бюроси тўлов топшириқномаси билан) **даъвогарлар ҳисобварағига йўналтириш тартибини** жорий қилиш лозим.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Бюджетнома лойиҳаси билан тақдим этилган 2021-2023 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатда маҳаллий бюджетлар даромадларининг етарлилигини ошириш мақсадида:

а) автотранспорт воситалари эгаларидан двигателнинг қувватидан келиб чиқиб (махсус автотранспортлардан ташқари) қатъий белгиланган суммада ундириладиган мажбурий йиғимни жорий этиш;

б) бензин, дизель ёқилғиси, сиқилган ва суюлтирилган газ қуйиш шохобчалари орқали сотилган ҳар бир литр ёки куб. метр ёқилғи учун 25 сўмдан йиғим жорий этиш, бунда халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашларига йиғимни ошириш ҳуқуқини бериш (лекин 2 баравардан кўп бўлмаган миқдорда) таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5890-сон Фармонининг 7-бандида йўл инфратузилмаси сифатини ривожлантириш ва яхшилашда, минтақавий автомобиль йўллари тармоғини ва йўл инфратузилмасини ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлигини янада кенгайтириш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари автомобилга ёнилғи ва газ қуйиш станциялари томонидан автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газни охириги истеъмолчиларга реализация қилишда ёқилғи бирлиги учун 25 сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда минтақавий йўлларни ривожлантиришга махсус йиғим жорий этишга ҳақлилиги;

халқ депутатлари туманлар (шаҳарлар) Кенгашлари транспорт воситаси двигателининг қувватидан келиб чиқиб, автотранспорт воситасига эгалик қилиш учун йиллик йиғим жорий этишга ҳақлилиги белгиланган.

Коронавирус инфекциясининг жаҳон бўйлаб тарқалиши ва кейинчалик пандемияга айланиши дунё мамлакатлари олиб бораётган ўз ижтимоий-иқтисодий сиёсатларини кескин равишда ўзгартиришига мажбур этмоқда.

Шунингдек, пандемия даврида аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадларининг кескин пасайиб кетганлиги ҳамда коронавирус пандемиясининг давом этаётганлигини инобатга олиб, минтақавий йўлларни ривожлантиришга махсус йиғим ҳамда автотранспорт воситасига эгалик қилиш учун **йиллик йиғимни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.**

2. Лойиҳада:

а) 9-илова билан маҳаллий йиғимларнинг чегараланган ставкалари (алкоголли маҳсулотлар сотиш ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш учун йиғимлар);

10-илова билан автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кириш учун автотранспорт воситасининг эгалари (фойдаланувчилари) ушбу автотранспорт воситаларини ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказганда ҳамда чет эл давлатлари автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва ҳудудда транзит ҳаракатланиши учун йиғимларнинг ставкалари тасдиқланмоқда.

Шунингдек, Лойиҳанинг 12-моддаси 2-қисмида айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига тўлиқ ўтказилиши белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 17-моддасида солиқлар ва йиғимлар турлари аниқ белгиланиб, унда маҳаллий йиғимлар кўрсатилмаган ҳамда автотранспорт йиғимини ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекс билан тартибга солиниши белгиланган.

Шунга асосан, Лойиҳанинг 7-моддасини қайта кўриб чиқиш, тасдиқланаётган йиғимларни Солиқ кодексининг 17-моддасига киритиш ҳамда товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган **йиғимлар номини аниқ кўрсатиш лозим.**

б) 3-илова билан 2021 йил учун давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда уларнинг харажатлари тасдиқланмоқда.

3-иловада давлат мақсадли жамғармалар таркибига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузуридаги **Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси** киритилиб, даромадлар ва харажатлар прогнози 780,0 млрд сўм миқдорида белгиланмоқда.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 917-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатда **мазкур жамғарма киритилмаган.**

Шунингдек, лойиҳада “Yoshlar - kelajagimiz” жамғармасига маблағ ажратиш кўзда тутилмаётганлиги ҳамда 3-иловага давлат мақсадли жамғармалари таркибида акс эттирилмаган.

Шу сабабли лойиҳа ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарорини ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

3. Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган таҳлил натижалари бўйича бюджет даромадлари таркиби ўзгарганлиги сабабли Лойиҳанинг 11-моддасидаги 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг юқори чегарасини ялпи ички маҳсулотга нисбатан миқдорини ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Лойиҳанинг 12-моддасида:

а) 4-қисмида Тошкент вилояти Бўстонлик туманида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, лицензия ва рухсатнома беришдан, маъмурий хуқуқбузарликлар учун жарималар тушадиган маблағлар тўлиқ туман бюджетига йўналтирилиши белгиланмоқда.

5-қисмининг иккинчи хатбошида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқлар ва бошқа турдаги даромадларни ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга ҳақлилиги кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, **4-қисмни чиқариб ташлаш лозим;**

б) Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 52-моддасига асосан кўшилган қиймат солиғи Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари таркибига кириши белгиланган.

Шунга асосан, 2-қисмда **даромадлар таркибига кўшилган қиймат солиғини киритиш** ва Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ўтказилишини кўрсатиш лозим;

в) Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 51-моддасига асосан айланмадан олинadиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига даромадлари таркибига кириши белгиланган.

Шунга қарамасдан, 2-қисмда айланмадан олинadиган солиқ Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига тўлиқ ўтказилиши кўрсатилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, **2-қисмни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;**

5. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 17-моддасига асосан бюджет тизимининг очиқлик принципини таъминлаш мақсадида Лойихада Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига бириктириладиган даромадлар таркибидаги 11 928,9 млрд сўмлик “бошқа даромадлар” таркибини ҳар бир даромад турлари бўйича тўлиқ акс эттириш лозим.

3.3. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадларининг 2020 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2021 йил учун прогнози

Бюджетнома лойихасига мувофиқ, **2020 йилда** Давлат бюджетининг умумий даромадлари **129 575 млрд сўмни** (*ЯИМга нисбатан 22%*), шу

жумладан давлат солиқ идоралари бўйича **101 596 млрд сўмни** (17,2%) ва давлат божхона идоралари бўйича **24 404 млрд сўмни** (4,1%) ва Молия вазирлиги тушумлари **3 575 млрд сўмни** (0,6%) ташкил қилиши кутилмоқда.

Жорий йил учун тасдиқланган **128 460 млрд сўмлик** параметр **1 115 млрд сўмга** (*асосан Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги тушумлари бўйича*) ортиғи билан бажарилиши кўрсатилган.

Жорий йилда юзага келган оғир пандемия шароити айрим солиқ турлари бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичларини бажарилишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Мисол учун, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра тасдиқланган параметрлар қўшилган қиймат солиғи бўйича 10 281 млрд сўмга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 1 247 млрд сўмга, айланмадан олинадиган солиқ 1 157 млрд сўмга, мулк солиғи 203 млрд сўмга ва ер солиғи 184 млрд сўмга бажарилмаслик эҳтимоли мавжуд.

Шунингдек, тасдиқланган параметрлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича **4 727 млрд сўмга** ва бошқа даромадлар бўйича **8 262 млрд сўмга** ортиқча бажарилиши кутилмоқда.

Тақдим этилган лойиҳага мувофиқ, **2021 йил** учун Давлат бюджети даромадлари жами **147 002 млрд сўмни** (*ЯИМга нисбатан 21,3%*) миқдориди прогноз қилинмоқда, 2022 йилга мўлжал – **173 550 млрд сўмни** (20,4%), 2023 йилга мўлжал – **200 708 млрд сўмни** (20,2%) ташкил қилмоқда.

2021 йил учун Давлат бюджети даромадлари давлат солиқ идоралари бўйича **112 962 млрд сўмни** (*ЯИМга нисбатан 16,4%*), давлат божхона идоралари бўйича **28 993 млрд сўмни** (4,2%) ва Молия вазирлиги тушумлари бўйича **5 047 млрд сўмни** (0,7%) ташкил қилмоқда.

2021 йил учун давлат бюджети даромадларини прогнози сезиларли таъсир кўрсатувчи нарх ва валюта курсларнинг ўртача миқдорлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Жумладан, прогнозларда валюта курси (*1 АҚШ долларининг ўртача йиллик суммаси - 11 000 сўм*), стратегик маҳсулотларнинг нархлари (*1 унция олтин нархи - 1 750 АҚШ доллар, кумушининг нархи - 15 АҚШ доллар, миснинг 1 тоннасига 6 000 АҚШ доллар, 1 м³ табиий газнинг нархи - 75 АҚШ доллар*) ўзгариши инобатга олинган.

Шунингдек, 2021 йилда айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумлар прогнозида тадбиркорлик субъектлари томонидан онлайн назорат-касса

машиналари, виртуал кассалардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш бўйича тизимли назорат ўрнатилиши ҳам кўзда тутилган.

Давлат солиқ қўмитаси тушумлари

Жорий йилда давлат солиқ идоралари бўйича кутилаётган **101 596** млрд сўм тушумларнинг **67 156** млрд сўми (66%) Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **34 440** млрд сўми (34%) ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келиши ҳисоб-китоб қилинган.

Давлат солиқ идоралари бўйича жорий йилда кутилаётган тушумлар **101 696,3** млрд сўми ташкил этиши, бунда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича кутилаётган тушумлар 449,5 млрд сўми ташкил этиши ёки кутилаётган тушумга нисбатан **100** млрд сўмга ортиқча маблағ шаклланиши **ҳисоб-китоб қилинди**.

Хусусан, Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда қишлоқ хўжалигига сарфланадиган сув ҳажми 30,7 млрд метр кубни ташкил қилиши (*ПҚ-4816-сон қарор билан қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси белгиланган сувни истеъмол қилиш нормативларининг 50 фоизи миқдоридан белгиланган*), солиқ ставкаси 70 сўмдан ҳисоб-китоб қилинганда 2020 йил учун 1 076,7 млрд сўм солиқ ҳисобланиши кутилаётганлигини инобатга олиб, унинг **100** млрд сўмини йил охирига қадар жалб этиш имконияти мавжуд.

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ **2021 йил** учун давлат солиқ идоралари бўйича жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 11,2 фоиз ўсиш билан **112 962** млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 16,4%*) тушум прогноз қилинган.

Ушбу прогноз қилинган тушумларнинг **71 760** млрд сўми (64%) Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **41 202** млрд сўми (36%) ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига солиқ тўловчи юридик шахслар сони **397 517 тани**, Адлия вазирлигида 3172-сон билан рўйхатга олинган Низом бўйича йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган солиқ тўловчилар сони **835 тани** ташкил қилган.

Бугунги кунда йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари ҳисоби Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция томонидан юритилмоқда. Жумладан:

- **111 та** акцизоти товарларни ишлаб чиқарувчилар;
- **32 та** тижорат банклари ва уларнинг филиаллари;

- **2 та** товар-хомашё, фонд ва валюта биржалари;
- **12 та** “Навоий КМК” ДК ва “Олмалик КМК” АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар;
- **5 та** маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар;
- **460 та** йил якуни бўйича маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми 100 млрд сўмдан юқори бўлган юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар;
- **189 та** Углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар;
- **24 та** Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғидан йўловчиларни ташиш мақсадларида фойдаланувчи, халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган.

Жорий йил **1 октябрь** ҳолатига жами **солиқ қарзи 1 464 млрд сўмни** ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **148 фоизга** ёки **480 млрд сўмга** ўсган.

Жами солиқ қарзини 1 219 млрд сўми (83%) ҳудудлар ва 245 млрд сўми (17%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади.

Солиқ қарзининг асосий ўсиши Қорақалпоғистон Республикасида 98 млрд сўмни, Фарғона вилоятида 68 млрд сўмни Тошкент вилоятида 60 млрд сўмни ва Қашқадарё вилоятида 56 млрд сўмини ташкил қилган.

Ортиқча тўлов суммаси **383,8 млрд сўмни** ташкил қилиб, шундан 165,5 млрд сўми (43%) ҳудудлар ва 218,3 млрд сўми (57%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади (*Ортиқча тўловлар йил бошига нисбатан 68 млрд сўмга ўсган*).

Кўшилган қиймат солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **21 364,1 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 3,6%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **28 554,6 млрд сўмлик** прогнозга нисбатан **7 190,5 млрд сўм** кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига пандемия шароитида аксарият корхоналарнинг фаолият юритмаганлиги ҳамда пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатиш бўйича жорий йилда чиқарилган фармон ва қарорлар билан берилган имтиёз ва энгилликлар салбий таъсир қилган.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича кутилаётган тушумларнинг **10 425 млрд сўми (49%)** Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **10 939 млрд сўми (51%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Кўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 2019 йил якуни билан **82 405 тани** ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **22 825 тага** ошиб, **105 230 тани** ташкил қилган.

Жорий йил **1 октябрь** ҳолатига қўшилган қиймат солиғи бўйича **солиқ қарзи 731,4 млрд сўми** ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **131 фоизга** ёки **172 млрд сўмга** ўсган.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича жами солиқ қарзини 625,3 млрд сўми (85%) ҳудудлар ва 106,1 млрд сўми (15%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ қарзининг асосий ўсиши Қорақалпоғистон Республикасида 46,4 млрд сўми, Фарғона вилоятида 37,4 млрд сўми, Қашқадарё вилоятида 15,4 млрд сўми ва йирик солиқ тўловчилар бўйича 50 млрд сўми ташкил қилган.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича **ортиқча тўлов** суммаси **116,4 млрд сўми** ташкил қилиб, шундан 75,7 млрд сўми (65%) ҳудудлар ва 40,7 млрд сўми (35%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади (*Ортиқча тўловлар йил бошига 18 млрд сўмга ўсган*).

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 37,3 фоиз ўсиш билан **29 334 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 4,3%*) тушум прогноз қилинган.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **15 998 млрд сўми (55%)** Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **13 336 млрд сўми (45%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Акциз солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **10 601 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 1,8%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **10 526 млрд сўмлик** прогноз 101 фоизга бажарилиши ёки прогнозга нисбатан **75 млрд сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Акциз солиғи бўйича кутилаётган тушумларнинг **9 152 млрд сўми (86%)** Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **1 449 млрд сўми (14%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Акциз солиғи тўловчилар сони 2019 йил якуни билан **3 650 тани** ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **56 тага** ошиб, **3 706 тани** ташкил қилинган.

Жорий йил **1 октябрь** ҳолатига акциз солиғи бўйича **солиқ қарзи 24,9 млрд сўми** ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **183 фоизга** ёки **11,3 млрд сўмга** ўсган.

Акциз солиғи бўйича жами солиқ қарзини 5,1 млрд сўми (20%) ҳудудлар ва 19,8 млрд сўми (80%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади.

Акциз солиғи бўйича солиқ қарзининг ўсган қисми Сурдарё вилоятида 1,7 млрд сўми, Фарғона вилоятида 1,2 млрд сўми ва йирик солиқ тўловчилар бўйича 7,2 млрд сўми ташкил қилган.

Акциз солиғи бўйича **ортиқча тўлов** суммаси **13,2 млрд сўми** ташкил қилиб, шундан 12,6 млрд сўми (96%) йирик солиқ тўловчилар ва 0,6 млрд сўми (4%) ҳудудлар ҳисобига тўғри келади (*Ортиқча тўловлар йил бошига 13,7 млрд сўмга камайган*).

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ акциз солиғи бўйича **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан **10,5 фоиз** ўсиш билан **11 718 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 1,7%*) тушум прогноз қилинган.

Акциз солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **9 758 млрд сўми** (83%) Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **1 960 млрд сўми** (17%) ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Фойда солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **26 786 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 4,5%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **22 056 млрд сўмлик** прогноз 121 фоизга бажарилиши ёки прогнозга нисбатан **4 727 млрд сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Фойда солиғи бўйича кутилаётган тушумларнинг **24 729 млрд сўми** (92,3%) Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **2 057 млрд сўми** (7,7%) ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Прогноз кўрсаткичларини ортиқча бажарилишига жорий йил учун прогноз қилинган тушумга нисбатан “Навой КМК” ДКдан **3 448,7 млрд сўм** ва “Олмалиқ КМК” АЖдан **1 278,6 млрд сўм** кўп тушум тушиши ижобий таъсир қилмоқда.

Фойда солиғи тўловчилар сони 2019 йил якуни билан **48 054 тани** ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **58 398 тага** ошиб, **106 453 тани** ташкил қилинган.

Жорий йил **1 октябрь** ҳолатига фойда солиғи бўйича **солиқ қарзи 143,9 млрд сўми** ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **173 фоизга** ёки **60,7 млрд сўмга** ўсган.

Фойда солиғи бўйича жами солиқ қарзини 110,7 млрд сўми (77%) ҳудудлар ва 33,2 млрд сўми (23%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади.

Фойда солиғи бўйича солиқ қарзининг асосий ўсиши Қорақалпоғистон Республикасида 40,2 млрд сўми, Тошкент вилоятида 10,5 млрд сўми, Тошкент шаҳрида 10,6 млрд сўмини ва Фарғона вилоятида 5,8 млрд сўми ташкил қилган.

Фойда солиғи бўйича **ортиқча тўлов** суммаси **77,3 млрд сўми** ташкил қилиб, шундан 13,8 млрд сўми (18%) ҳудудлар ва 63,5 млрд сўми (82%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади (*Ортиқча тўловлар йил бошига 0,8 млрд сўмга камайган*).

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ фойда солиғи бўйича **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан **3,7 фоиз** ўсиш билан **27 779,4 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 4%*) тушум прогноз қилинган.

Фойда солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **24 763 млрд сўми (89%)** Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **3 016,4 млрд сўми (11%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Шундан, йирик солиқ тўловчилар ҳисобланган “Навоий КМК” ДК томонидан **12 660 млрд сўм (46%)**, “Олмалик КМК” АЖ **5 003,2 млрд сўм (18%)** ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳисобига **10 116,2 млрд сўм (36%)** тўғри келиши кўрсатилган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **14 821 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 2,5%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **16 068 млрд сўмлик** прогнозга нисбатан **1 247 млрд сўм** кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига Республикамизда юзага келган пандемия шароитида давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириши бўйича кўрилган чоратadbирлар ҳамда аксарият корхоналарнинг ишчи ходимлари карантин

пайтида (айрим ҳолларда ўз ҳисобидан) меҳнат таътилига чиқарилганлиги салбий таъсир қилган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича кутилаётган тушумларнинг **3 560 млрд сўми (24%)** Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **11 261 млрд сўми (76%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони 2019 йил якуни билан **4 702,4 мингтани** ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **443,7 мингтага** камайиб, **4 258,7 мингтани** ташкил қилинган.

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 12 фоиз ўсиш билан **16 906 млрд сўм (ЯИМга нисбатан 2,5%)** тушум прогноз қилинган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **4 458 млрд сўми (27%)** Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **12 151 млрд сўми (73%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Таҳлилда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар прогнозида бекор қилинаётган имтиёзлар, ишга тушириладиган йирик инвестиция лойиҳалар ва улар ҳисобига яратиладиган янги иш ўринлари ҳисобига кутилаётган тушумлар киритилмаганлиги маълум бўлди.

Мазкур солиқни ҳисоблашда ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича имтиёз бекор қилинганлиги натижасида бюджетга кўшимча ундирилиши лозим бўлган даромадлар ҳажми инобатга олинмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 2021 йил прогнозини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

Ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **16 439 млрд сўм (ЯИМга нисбатан 2,8%)** тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **15 606 млрд сўмлик** прогноз 105 фоизга бажарилиши ёки прогнозга нисбатан **883 млрд сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича кутилаётган тушумларнинг **16 204 млрд сўми (98,6%)** Йирик солиқ тўловчилар билан

ишлаш инспекцияси ва **235 млрд сўми (1,4%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича кутилаётган тушумларнинг асосий қисми **8 732 млрд сўми** “Навоий КМК” ДК, **2 895 млрд сўм** “Олмалик КМК” АЖ ва **1 508 млрд сўми** “Ўзбекнефтегаз” АЖ тизимидаги корхоналар ҳисобига тўғри келмоқда.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи тўловчилар сони 2019 йил якуни билан **1 336 тани** ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **356 тага** ошиб, **1692 тани** ташкил қилинган.

Жорий йил **1 октябрь** ҳолатига ер қаъридан фойдаланганлик учун **солиқ қарзи 40,6 млрд сўмни** ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **37,2 млрд сўмга** ўсган.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ қарзини **17,9 млрд сўми (44%)** ҳудудлар ва **22,7 млрд сўми (56%)** йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ қарзининг ўсиши Самарқанд вилоятида 3,9 млрд сўмни, Тошкент вилоятида 3,1 млрд сўмни, Қорақалпоғистон Республикасида 2,4 млрд сўмни, Фарғона вилоятида 1,6 млрд сўмни ва йирик корхоналар бўйича 22 млрд сўмни ташкил қилган.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ортиқча тўлов суммаси **6 млрд сўмни** ташкил қилиб, шундан **5,6 млрд сўми (90%)** йирик солиқ тўловчилар ва **0,6 млрд сўми (10%)** ҳудудлар ҳисобига тўғри келади (*ортиқча тўловлар йил бошига 2,1 млрд сўмга камайган*).

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи бўйича **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан **3 109 млрд сўмга** камайиш билан **13 330 млрд сўм (ЯИМга нисбатан 1,9%)** тушум прогноз қилинган.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **13 243 млрд сўми (99,3%)** йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **87 млрд сўми (0,7%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Шундан, йирик солиқ тўловчилар ҳисобланган “Навоий КМК” ДК томонидан **7 170 млрд сўм (54%)**, “Олмалик КМК” АЖ **2 738 млрд сўм (21%)** ва бошқа корхоналар ҳисобига **3 335 млрд сўм (25%)** тўғри келиши кўрсатилган.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Бюджет даромадлари прогнози лойиҳасини тайёрлашда йирик солиқ тўловчиларнинг келгуси йил режалари, ишга тушириладиган йирик инвестиция лойиҳалар ҳисобига кутилаётган солиқ миқдори талаб даражасида таҳлил қилинмаганлиги ва ўрганилмаганлиги маълум бўлди:

1. Айрим маҳсулот турлари, масалан палладий маҳсулотини казиб олиш учун солиқ ҳисобланмаган.

2. Олтин, кумуш, мис маҳсулотлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига мувофиқ келмаган ҳолда ҳисобланиши натижасида **3 000,1 млрд сўмга** кам прогноз ўрнатилган.

Масалан, ПҚ-4555-сон қарори 12-бандида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси олтин ва кумуш учун 20 фоиз миқдоридан тасдиқланган бўлсада, 2021 йил учун мазкур солиқ ставкаси олтин ва кумуш учун 15 фоиз миқдоридан ҳисобланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 2021 йил прогнозини 16 331,4 млрд сўм миқдоридан белгилаш тавсия этилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Молия вазирлиги томонидан ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **349 млрд сўм** тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилинган ва **2021 йил** учун **12 фоиз** ўсиш билан **387 млрд сўм** тушум прогноз қилинган.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар сони 2019 йил якуни билан **50 898 тани** ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **5 126 тага** ошиб, **56 024 тани** ташкил қилинган.

Ушбу солиқ тури бўйича қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон хўжаликлари учун 2020 йилда **1 м.куб** учун **70 сўм** белгиланган бўлса, 2021 йил учун солиқ сиёсати йўналишларида солиқ ставкаси **1 м.куб** учун **40 сўм** миқдоридан белгиланмоқда.

Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда қишлоқ хўжалигига сарфланадиган сув ҳажми **30,7 млрд м.кубни** ташкил қилмоқда.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик тармоғини кўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4816-сон Қарори билан балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ

хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилган сувнинг ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмини аниқлаш имкони бўлмаганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси белгиланган сувни истеъмол қилиш нормативларининг 50 фоизи миқдорида белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигига сарфланадиган сув ҳажмини 50 фоизи ҳисобга олинса, **1 076,7 млрд сўм** солиқ ҳисобланиши лозим бўлади.

Келгуси йилда ҳам сув истеъмоли жорий йил даражасида сақланиб қолиши кутилмоқда ва солиқ ставкасини **40 сўмдан** ҳисоб-китоб қилинса, **615,3 млрд сўм** прогноз ўрнатилиши лозим бўлади.

Бироқ, ушбу кутилаётган солиқ суммаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳисоб-китобларида **мавжуд эмас**.

Ҳисоб палатаси томонидан Андижон ва Тошкент вилоятларида ўтказилган ўрганишларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жорий йилда ҳисобланиши лозим бўлган сув солиғи суммаси фермер хўжаликлари кесимида Сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва кадастр органлари маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Натижада, **Андижон вилоятида** 5 504 та фермер хўжаликлари томонидан 168 272 гектар ер майдони учун 592 млн м.куб сув ҳажмига талаби мавжудлиги ва улар томонидан **41,4 млрд сўм**, **Тошкент вилоятида** жорий йилда 9 368 та қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 305 307 гектар ер майдонидаги экинлари учун 1 639 млн м.куб сув ҳажмига талаб мавжудлиги ва улар томонидан **114,7 млрд сўм** солиқ ҳисобланиши лозимлиги аниқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 2021 йил прогнозини 1 363,7 млрд сўм миқдорида белгилаш тавсия этилади.

Мол-мулк солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **2 167 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,4%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **2 369,6 млрд сўмлик** прогнозга нисбатан **202,6 млрд сўм** кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатиш бўйича жорий йилда чиқарилган фармон ва қарорлар билан ушбу солиқ тури бўйича берилган имтиёз ва енгилликлар салбий таъсир қилган.

Мол-мулк солиғи бўйича кутилаётган тушумларнинг **1 362 млрд сўми** (63%) юридик шахслар ва **805 млрд сўми** (37%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Мол-мулк солиғи бўйича юридик шахслар бўйича кутилаётган тушумларнинг **778 млрд сўми** (57%) Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **584 млрд сўми** (43%) ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Мол-мулк солиғи тўловчи **юридик шахслар** сони 2019 йил якуни билан **64 966 тани** ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **6 110 тага** камайиб, **58 856 тани** ташкил қилинган.

Шунингдек, мулк солиғи тўловчи **жисмоний шахслар** сони 2019 йил якуни билан **6 978,8 мингтани** ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **162,3 мингтага** кўпайиб, **7 141,2 мингтани** ташкил қилинган.

Жорий йил **1 октябрь** ҳолатига юридик шахсларнинг мулк солиғи қарзи **174,3 млрд сўми** ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **241 фоизга** ёки **102 млрд сўмга** ўсган.

Мол-мулк солиғи бўйича жами солиқ қарзини 139,4 млрд сўми (80%) ҳудудлар ва 34,9 млрд сўми (20%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади.

Мол-мулк солиғи бўйича **ортиқча тўлов** суммаси **70,7 млрд сўми** ташкил қилиб, шундан 49,2 млрд сўми (70%) йирик солиқ тўловчилар ва 21,5 млрд сўми (30%) ҳудудлар ҳисобига тўғри келади (*Ортиқча тўловлар йил бошига 31 млрд сўмга ўсган*).

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ мол-мулк солиғи бўйича **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан **15,8 фоиз** ўсиш билан **2 510 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,4%*) тушум прогноз қилинган.

Мол-мулк солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **1 584,2 млрд сўми** (63%) юридик шахслар ва **926 млрд сўми** (37%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Мол-мулк солиғини юридик шахслар бўйича прогноз суммасининг **797 млрд сўми** (50,3%) Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **787,2 млрд сўми** (49,7%) ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Ер солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **2 290 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,4%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган

2 474,4 млрд сўмлик прогнозга нисбатан **184,3** млрд сўм кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Ер солиғи бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатиш бўйича жорий йилда чиқарилган фармон ва қарорлар билан ушбу солиқ тури бўйича берилган имтиёз ва энгилликлар салбий таъсир қилган.

Ер солиғи бўйича кутилаётган тушумларнинг **1 238,3** млрд сўми (54%) юридик шахслар ва **1 051,8** млрд сўми (46%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Ер солиғи бўйича юридик шахслар бўйича кутилаётган тушумларнинг **351** млрд сўми (28%) Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **887,3** млрд сўми (72%) ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Ер солиғи тўловчи **юридик шахслар** сони 2019 йил якуни билан **74 707** тани ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **9 151** тага камайиб, **65 556** тани ташкил қилинган.

Шунингдек, ер солиғи тўловчи **жисмоний шахслар** сони 2019 йил якуни билан **6 126,2** мингтани ташкил қилиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **123,5** минг тага кўпайиб, **6 249,7** минг тани ташкил қилинган.

Жорий йил **1 октябрь** ҳолатига юридик шахсларнинг ер солиғи қарзи **212** млрд сўми ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **142** фоизга ёки **62,4** млрд сўмга ўсган.

Жами солиқ қарзини 201,2 млрд сўми (95%) ҳудудлар ва 10,7 млрд сўми (5%) йирик солиқ тўловчилар ҳисобига тўғри келади.

Ер солиғи бўйича ортиқча тўлов суммаси 47,8 млрд сўми ташкил қилиб, шундан 27,1 млрд сўми (57%) йирик солиқ тўловчилар ва 20,6 млрд сўми (43%) ҳудудлар ҳисобига тўғри келади (ортиқча тўловлар йил бошига 23,3 млрд сўмга ўсган).

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ ер солиғи бўйича **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 28,4 фоиз ўсиш билан **2 941** млрд сўм (ЯИМга нисбатан 0,4%) тушум прогноз қилинган.

Ер солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **1 763** млрд сўми (60%) юридик шахслар ва **1 178** млрд сўми (40%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Ер солиғини юридик шахслар бўйича прогноз суммасининг **409** млрд сўми (23%) Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **1 354** млрд сўми (77%) ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келади.

Айланмадан олинадиган солиқ

Ушбу солиқ тури бўйича 2020 йилда **1 301** млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,2%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **2 458,1** млрд сўмлик прогнозга нисбатан **1 156,7** млрд сўм кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилмаслигининг асосий сабаби Пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатиш бўйича жорий йилда чиқарилган фармон ва қарорлар билан тадбиркорларга имтиёз ва енгилликлар берилганлигидир.

Савдо фаолиятини амалга оширган тадбиркорлар ҳисобига 2020 йил 9 ойи давомида 51 984,1 млрд сўм товар айланмасига эришилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10 670,4 млрд сўм ёки 125,8 фоизга ошган.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ айланмадан олинадиган солиқ бўйича **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 66,0 фоиз ўсиш билан **2 160** млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,3%*) тушум прогноз ўрнатилаётганлигини инобатга олган ҳолда, мазкур йўналишда **солиқ маъмурчилигини кучайтириш** лозим бўлади.

Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар

Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар бўйича 2020 йилда **5 477,2** млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,9%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **5 004,8** млрд сўмлик прогнозга нисбатан **472,4** млрд сўм кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар бўйича **2021 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 7,7 фоиз ўсиш билан **5 897** млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,9%*) тушум прогноз қилинган.

Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумларни прогнозини ҳисоб-китоблари ва таркибидаги даромад турлари очиб берилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар бўйича 2021 йил прогнозини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Йирик инвестиция лойиҳалари бўйича

Таклиф ва мулоҳазалар:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда 2020 йилда ишга тушириладиган йирик инвестиция лойиҳаларининг манзилли Дастури шакллантирилди ва Дастурга асосан янги қурилган ва ишга туширилган 55 та лойиҳа бўйича (7 097,6 млн АҚШ доллар жалб қилинган) қўшимча даромадларни шаклланишини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Давлат божхона қўмитаси тушумлари

Жорий йилда **божхона тўловлари** бўйича **24 404** млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 4,1%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **23 323** млрд сўмлик прогноз 105 фоизга бажарилиши ёки прогнозга нисбатан **1 081** млрд сўм кўп маблағ тушиши ҳисоб-китоб қилинган.

Кутилаётган тушумларнинг **20 027** млрд сўми (*3,4%*) қўшилган қиймат солиғи, **798** млрд сўми (*0,1%*) акциз солиғи, **3 047** млрд сўми (*0,5%*) божхона божи ва қолган **532** млрд сўми (*0,1%*) божхона йиғимлари ташкил қилмоқда.

Бюджетнома лойиҳасига кўра **божхона тўловлари** бўйича 2021 йил даромадлар прогнози **28 993** млрд сўмни ташкил қилиб, шундан **24 503,4** млрд сўми (*84,5%*) қўшилган қиймат солиғи, **613,1** млрд сўми (*2,1%*) акциз солиғи, **3 298,4** млрд сўмини (*11,3%*) божхона божи ва қолган **578,1** млрд сўми (*1,9%*) божхона йиғимлари ташкил қилади.

Ҳисоб палатаси томонидан мазкур ҳисоб-китобларнинг асослилиги ўрганилганда айрим тўлов турлари бўйича лойиҳага ўзгартиришлар киритиш лозимлиги маълум бўлди.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Бюджетнома лойиҳасига асосан 2021 йил учун импорт қилинадиган товарлар бўйича 24 503,4 млрд сўм **қўшилган қиймат солиғи** ундирилиши режалаштирилган.

Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим қилинган маълумотларга асосан олиб борилган таҳлиллар натижасида мазкур солиқ тури бўйича 24 445,2 млрд сўм кутилаётганлиги таҳлил қилинди.

Шундан келиб чиқиб, кутилаётган импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини 24 445,2 млрд сўм миқдоридан, яъни **58,2** млрд сўмга **прогноз ҳажмини камайтириш** мақсадга мувофиқ.

2. Бюджетнома лойиҳасига асосан божхона божи бўйича 2021 йил прогнози **3 298** млрд сўмни ташкил қилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра 2021 йилда солиққа тортиладиган импорт ҳажми **14 345,1** АҚШ доллари, 1 АҚШ долларининг

ўртача курси **11 000 сўмни** ташкил қилишидан келиб чиқиб, келгуси йил учун **3 830,4 млрд сўм** божхона божи ҳисобланмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, импорт божхона божини 2021 йил прогнози **3 830,4 млрд сўм** миқдорида, яъни **532,4 млрд сўмга оширган ҳолда** белгилаш мақсадга мувофиқ.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 июндаги “Ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида”ги 347-сон қарорига асосан 2020 йил 1 августдан бошлаб транспорт воситаларини “эркин муомалага чиқариш” (импорт) божхона режимида расмийлаштирадиган жисмоний ва юридик шахслар утилизация йиғими тўловчилари ҳисобланиши белгиланган.

Молия вазирлиги Ғазначилиги маълумотларига асосан ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун 2020 йил давомида 38,3 млрд сўм (шундан августда 8,2 млрд сўм, сентябрда 15,8 млрд сўм ва октябрь ойининг 20 кунлигида 14,3 млрд сўм) утилизация йиғими бюджетга ўтказилган.

Бундан ташқари, божхона органлари томонидан ундирилган йиғимлар унинг тўловчиси ҳисобланган “UzAuto Motors” АЖГа 24,1 млрд сўм ва “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖГа 8,8 млрд сўм қайтариб берилган.

Мазкур йиғим бўйича **2021 йилга 108,0 млрд сўм** (*бир ойда ўртача 9 млрд сўм*) тушум прогноз қилинган ва божхона органлари даромади таркибига киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг 12-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари) тўлиқ ўтказилиши белгиланган.

Шунга асосан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғими бўйича белгиланган прогнозни **божхона органларининг прогнозидан чиқариб ташлаш ҳамда солиқ даромадлари таркибиде акс эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**

4. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 296-моддасига асосан юридик ва жисмоний шахсларга тариф имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғини, акциз солиғини ва божхона йиғимларини тўлаш бўйича имтиёзлар ушбу Кодексга, бошқа қонунларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига биноан тақдим қилиниши мумкин.

Божхона тўловлари бўйича 2020 йил январь-сентябрь ойларида **Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари** асосида **1 475,7** млрд сўм, **Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари** асосида **234,4** млрд сўм, **Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари** (*Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси йиғилишининг баёни*) асосида **3,4** млрд сўмлик имтиёзлар тақдим қилинган.

Молия вазирлиги тушумлари

Жорий йилда **Молия вазирлиги тушумлари** бўйича **3 575** млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,6%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **-329** млрд сўмлик прогнозга нисбатан (“0” ставка қўлланилиши натижасида ортиқча ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг қайтарилиши ҳисобига манфий прогноз белгиланган) **3 904** млрд сўм кўп маблағ тушиши ҳисоб-китоб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4679-сонли қарорига мувофиқ, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар ва ташкилотларда 2019 йил учун олинган ва 2020 йилда олинадиган соф фойда бўйича давлат улушига **ҳисобланган дивидендларни тўлиғича** Давлат бюджетига ўтказиш белгиланган.

Мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилган таҳлил ва ҳисоб-китобларга кўра “Навоий КМК” ДК бўйича жорий йилда Давлат бюджетига **9 466** млрд сўм дивиденд солиғи тўланиши ёки Молия вазирлигининг ҳисоб-китобига (*6 818,4 млрд сўмга*) нисбатан **2 647,6 млрд сўм** кўп тушум таъминланиши ҳисоб-китоб қилинди.

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ **2021 йил** учун **Молия вазирлиги тушумлари бўйича** жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан **41,2** фоиз ўсиш билан **5 047** млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,7%*) тушум прогноз қилинган.

Бунда, прогноз қилинган тушумлар **11 929** млрд сўмни, қўшилган қиймат солиғи бўйича қайтариладиган манфий қолдиқ суммаси **6 882** млрд сўмни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тушумлари

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари 2021 йил учун **23 470 млрд сўм** миқдорида ёки 2020 йилда кутилаётган (20 134 млрд сўм) тушумларга нисбатан **116,6 фоиз**да режалаштирилмоқда.

Жамғарма даромадларининг **22 880,0 млрд сўми (97,3 фоиз)** ягона ижтимоий тўловдан, **441,0 млрд сўми (1,9 фоиз)** юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг ягона ижтимоий солиғидан ва **149,0 млрд сўми (0,9 фоиз)** бошқа даромадлардан тушумлар ҳисобига шаклланиши режалаштирилган.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Пенсия жамғармасининг 2021 йил учун бошқа даромадлар кўрсаткичлари **205 млрд сўм** кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 12, 14 ва 15-моддаларига асосан имтиёзли пенсияларни тўлаш учун Пенсия жамғармасининг 2020 йилдаги харажатлари **199,2 млрд сўмни** ташкил этиши кутилмоқда (бундан ташқари жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 12, 14 ва 15-моддаларидан **54,0 млрд сўм** корхона ва ташкилотларнинг қарздорлик мавжуд).

Шунингдек, таҳлилларга кўра 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 12, 14 ва 15-моддаларига асосан имтиёзли пенсияларни тўлашга кетадиган харажатлар **205 млрд сўмни** ташкил этиши маълум бўлди.

Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари таҳлилини умумий яқунлари

Ҳисоб палатаси таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджет даромадларининг **2020 йилда кутилаётган ижроси 2 747,6 млрд сўмга** кам ҳисоб-китоб қилинганлиги маълум бўлди. Бунда, солиқ даромадлари **100,0 млрд сўмга** ҳамда Молия вазирлиги даромадлари **2 647,6 млрд сўмга** кам баҳоланган.

Шунингдек, лойиҳада келтирилган Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджет даромадларининг **2021 йил прогнози 3 727,9 млрд сўмга** кам белгиланаётганлиги таҳлил қилинди. Жумладан, давлат бюджети даромадлари 4 451,9 млрд сўмга кам, давлат мақсадли жамғармалари даромадлари 724,0 млрд сўмга кўп прогноз ўрнатилган.

IV. Бюджетнома лойихасида кўзда тутилган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари

4.1. 2021 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари

2021 йилда бюджет сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари амалга оширилиши режалаштирилган:

бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш, фискал сиёсатнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бюджет маблағларини олувчилар томонидан бюджет интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадида халқаро экспертлар билан биргаликда ўрта муддатли даврда бюджет қоидаларини ишлаб чиқиш;

бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш учун дастурий бюджетлаштиришга зарур бўлган механизмларни ишлаб чиқиш;

фискал таваккалчиликларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш ҳамда уларни самарали бошқариш тизими амалиётини жорий этиш;

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва спорт соҳасидаги давлат дастурларини тўлиқ молиялаштириш орқали инсон капиталини ривожланишини таъминлаш;

Ижтимоий реестрни шакллантириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.

Давлат бюджетини шакллантириш жараёнини янада такомиллаштириш ва ушбу жараёнда тармоқлар, вазирлик ва идораларининг, маҳаллий ҳокимликларнинг ролини ошириш мақсадида, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, бюджет жараёни муддатларига (бюджет календарига) ўзгартириш киритилиши кўзда тутилмоқда.

Унга кўра бюджет жараёни келгуси 3 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг, бюджет даромадлари дастлабки прогнозлари ҳамда консолидациялашган бюджет тақчиллигининг мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Давлат бюджети харажатлари соҳалар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий бюджетлар кесимида мақсадли параметрлари белгиланади.

Бунда:

биринчидан, дастлабки босқичда келгуси йилга мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини ишлаб чиқиш;

иккинчидан, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва даромадлар прогнозларини ишлаб чиқиш;

учинчидан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасидан келиб чиққан ҳолда бюджет тақчиллигининг мақсадли параметрларини белгилаш ва шу асосда давлат бюджети харажатларининг юқори чегараларини белгилаш;

тўртинчидан, харажатларнинг юқори чегарасидан келиб чиқиб, амалдаги Давлат дастурларини инобатга олган ҳолда Молия вазирлиги томонидан вазирлик ва идоралар, маҳаллий бюджетлар ва соҳалар кесимида харажатларнинг юқори чегараларини белгилаш (ушбу чегараларни тегишли вазирлик ва идораларга етказиш);

бешинчидан, вазирлик ва идоралар томонидан ушбу чегаралар асосида ўз бюджет сўровномаларини шакллантириш ҳамда чегарадан ортиқ зарур бўлган харажатлар бўйича ўз таклифларини бериш. Шу асосида бюджет имкониятларидан келиб чиқиб, вазирлик ва идораларнинг таклифларини қайта кўриб чиқиш, макроиқтисодий прогнозларни янгилаш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида куйидагилар кўзда тутилмоқда. Жумладан:

1. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш юзасидан:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан жорий йил учун соҳани ривожлантириш дастурларини шакллантириш, шунингдек юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш фақат уларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори доирасида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бунда, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўзларининг жорий харажатлар таркибидаги дастурий ва бошқа харажатларига ажратиладиган маблағларни қайта тақсимлаш ваколоти берилмоқда;

вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тегишли вазирлик ва идораларнинг Давлат дастурлари самарадорлик натижаларини таҳлил қилиш ҳамда ҳисобот чораги якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш тартиби жорий этилмоқда;

молия йилини биринчи ярми якунлари бўйича даромад прогнозларининг бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушишига доир етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда республика бюджети умумий харажатлари ҳажмини 3 фоизигача Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан, 3 фоиздан юқори миқдорларда Вазирлар Маҳкамаси таклифига биноан Олий Мажлис томонидан камайтириш тартиби ўрнатилмоқда;

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал кўйилмаларга ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ваколат берилиши кўзда тутилмоқда.

2. Қонун билан белгиланган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фақат 2021 молия йили давомида фойдаланилиши ҳамда 2021 молия йили охиригача фойдаланилмаган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар келгуси молия йилига ўтказилмаслиги белгиланмоқда.

3. Бюджет тизимини узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш ҳамда давлат ташқи қарзи ҳажмининг ўсиш суръатларини секинлаштириш мақсадида:

- молия йили якуний санаси ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзи қолдиғининг миқдори жорий йил ялпи ички маҳсулотига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги;

- 2021 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида ички ва ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми 5,5 млрд АҚШ доллари, шундан, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 2,2 млрд АҚШ доллари (шу жумладан, давлат қимматли қоғозлари – 5 трлн сўм), инвестиция лойиҳаларини

молиялаштириш учун – 3,3 млрд АҚШ доллари миқдорида белгилаш назарда тутилмоқда.

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг юқори чегараси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

4. 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан амалга ошириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қайтариладиган ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларига йўналтириладиган маблағлар бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети харажатларида акс эттирилиши кўзда тутилмоқда.

Давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, инфляция суръатларини белгиланган прогнозлардан ошиб кетишини олдини олиш мақсадида 2021 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ҳар ярим йилликда олдинги давр инфляция миқдоридан келиб чиқиб оширилиши назарда тутилган.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Лойиҳанинг 2-моддаси билан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш бўйича **ваколатни Вазирлар Маҳкамасига берилиши қўйидаги асосларга кўра мақсадга мувофиқ эмас:**

- **ушбу ваколат** Бюджет кодексининг 145-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси **республика бюджетининг харажатлар ёйилмасига ўзгартиришлар киритиш бўйича белгиланган тартибга зид;**

- **Коронавирус пандемияси сабабли глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш нафақат Вазирлар Маҳкамаси балки давлатнинг барча тузилмаларини биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.**

*Маълумот учун, **Коронавирус пандемияси республикамизда 2020 йил март ойида бошланган бўлиб, дунё бўйича тугалланиш муддати аниқ белгиланмаган.***

2. Қонун лойиҳасининг 2-моддаси, учинчи хатбошисида кўзда тутилган соҳани ривожлантириш дастурларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори доирасида шакллантириш таклифи биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини ушбу дастурларни амалга ошириш учун жалб қилиш имкониятини чеклаб қўяди.

Шунингдек, Бюджет кодексига мувофиқ бюджет ташкилотлари юридик мажбуриятларни бюджетдан ажратиладиган ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари доирасида қабул қилиниши, молиявий мажбуриятлар қабул қилинган юридик мажбуриятлар доирасида қабул қилиниши кўзда тутилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Қонун лойиҳасининг 2-моддаси, учинчи хатбошисида кўзда тутилган таклифдан кўзланаётган мақсадни аниқлаштириш ҳамда ушбу таклифни Бюджет кодексига мувофиқ қайта кўриб чиқиш лозим.

3. Қонун лойиҳасининг 2-моддаси тўртинчи қисми ва 5-илоvasида **“жорий харажатлар”** тушунчасидан фойдаланилган бўлиб, ушбу тушунчага Қонун лойиҳасида ва Бюджет кодексига **таъриф берилмаган** ҳамда **жорий харажатлар таркиби очиқланмаган**.

Чет эл тажрибасидан (*мисол учун, Россия, Беларусь давлатларининг Бюджет кодекслари*) келиб чиққан ҳолда **ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин қилинишини** олдини олиш мақсадида Қонун лойиҳасида ва Бюджет кодексининг 3-моддасида **“жорий харажатлар”** тушунчасига **аниқ таърифни кўзда тутилиши** ҳамда жорий харажатларни **аниқ таркибини очиқлаш** мақсадга мувофиқ.

4.2. 2020-2022 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий мақсадлари

2021 йилги Давлат бюджетини шакллантиришдан бошлаб ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига ажратиладиган харажатлар халқаро тажрибадан келиб чиқиб консолидациялашган бюджет таркибида акс эттириш таклиф этилмоқда.

Бюджетноманинг “2021-2023 йиллар учун Фискал стратегияси” қисмида 2021–2023 йилларда бюджет сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари амалга оширилиши режалаштирилган:

бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш, фискал сиёсатнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бюджет маблағларини олувчилар томонидан бюджет интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадида халқаро

экспертлар билан биргаликда ўрта муддатли даврда бюджет қоидаларини ишлаб чиқиш;

бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш учун дастурий бюджетлаштиришга зарур бўлган механизмларни ишлаб чиқиш;

фискал таваккалчиликларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш ҳамда уларни самарали бошқариш тизимини жорий этиш;

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва спорт соҳасидаги давлат дастурларини тўлиқ молиялаштириш орқали инсон капиталини ривожланишини таъминлаш;

Ижтимоий реестрни шакллантириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.

Ҳозирги кунда аксарият мамлакатларда Давлат бюджетидан маблағлар аниқ мақсадлар, эришилишини акс эттирувчи индикаторлар, мақсадларга эришиш учун талаб этиладиган тадбирлар ва уларнинг ҳисоб-китобларини ўз ичига оладиган вазирлик ва идораларнинг ривожланиш дастурлари асосида ажратилмоқда.

3-жадвал

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети (Қонун лойиҳасининг 1-иловаси бўйича)

№	Кўрсаткичлар	Ҳажми, (млрд сўм)
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	178 512,4
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	215 945,2
III.	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	15 896,4
IV.	Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит +, тақчиллик -)	-37 432,7
V.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит +, дефицит -)	-17 245,3
VI.	Давлат қарзларини сўндириш	7 767,7


Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат қарзини сўндириш учун кўзда тутилаётган 7 767,7 млрд сўм харажатлар Консолидациялашган бюджет тақчиллигини ошишига сабаб бўлиб, тақчилликни қоплаш манбалари билан таъминлаш талаб этилсада, Қонун лойиҳада ушбу харажатларнинг бюджет тақчиллигига таъсири кўрсатилмаган.

Япония, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Белоруссия мисолида халқаро тажриба ўрганилганда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қарзни қоплаш харажатлари Давлат бюджети таркибида акс эттириши намоён бўлди.

2-расм

2019 йилги молия йилида Япония Давлат бюджети харажатлари структураси

(млрд. йена)



Манба: (<https://www.mof.go.jp/english/budget/budget/fy2019/01.pdf>).

Таклиф ва мулоҳазалар:

Давлат бюджети тақчиллигини халқаро стандартларга мос ва тўғри акс эттириш, хорижий инвесторларни қизиқтирувчи маълумотларни аниқлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2021 йилда давлат қарзини сўндириш учун кўзда тутилган **7 767,7** млрд сўм харажатларни 2021 йилги Консолидациялашган бюджетнинг жамланма параметрлар лойиҳасида **Консолидациялашган бюджет харажатлари таркибида акс эттириш** таклиф этилади.

4.3. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш

Қонун лойиҳасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш бўйича қуйидагилар кўзда тутилган:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга ошириладиган қўшимча тадбирлар фақат Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга ошириш;

чораклар якуни бўйича даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиш ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонун лойиҳасида белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

2021 йилда қуйидаги харажатларни:

Тошкент шаҳридаги умумтаълим, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини, ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан;

Қорақалпоғистон Республикасидаги ижтимоий соҳа объектларини, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириш.

2021 йилдан бошлаб ҳудудларда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб **ҳудудий монополияга қарши курашиш ва нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хулосаларига кўра**, тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тегишли маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланиши белгиланган.

2021 йилда қуйидаги солиқ турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига, ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳолатдан ташқари, қуйидагилар тўлиқ ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

конун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;

мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 70 фоиз, Тошкент вилоятида 49 фоиз, Тошкент шаҳрида 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоиз;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Тошкент вилоятида 49 фоиз, Тошкент шаҳрида 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи ўтказилади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, лицензия ва рухсатнома беришдан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарималар тушадиган маблағлар тўлиқ туман бюджетига йўналтирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқлар ва бошқа турдаги даромадлар (шу жумладан, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлар) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли эканлигини белгиланмоқда.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари туманлар ва шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан қўлланиладиган ўсиб боровчи коэффициентларни киритишга ҳақли эканлигини белгиланмоқда.

Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат унитар корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган жамиятлар томонидан 2021 йилнинг 1 июлига қадар 2020 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2021 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат унитар корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш миқдорлари ва даврийлигини белгилашга ҳақлилиги белгиланмоқда.

Ҳудудлардаги даромад ва харажатлар ўртасида манфий фарқни қоплашга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар 10 441,8 млрд сўм миқдорида белгиланиб, трансферт олувчи ҳудудлар сони 13 тадан 11 тага камайган. Ўтган йилга нисбатан Навоий ва Тошкент вилоятлари трансферт олувчи ҳудудлар таркибидан чиқарилган.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Монополияга қарши курашиш қўмитаси тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) қўлланиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат органи этиб белгиланганлигини ҳисобга олиб, нархларни (тарифларни) белгиланишида иштирок этиши манфаатлар тўқнашувига ва коррупцион омилнинг вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) тасдиқлаш жараёни ҳудудий монополияга қарши курашиш органлари билан келишилиши мақсадга мувофиқ эмас.

2. Қонун лойиҳасининг 5-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари тасдиқланган.

Республика бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларининг жорий харажатлари учун **2021 йилда 1 671,3 млрд сўм маблағ ажратиш назарда тутилган.**

4-жадвал

**Республика бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ўрта
махсус ва касб-хунар таълим муассасалари сони ва уларга 2021 йилда
назарда тутилиши кутилаётган маблағлар тўғрисида маълумот**

млрд сўмда

№	Худудлар номи	Жами маблағ	Шундан:			
			Академик лицей	Касб-хунар мактаб	Касб-хунар коллеж	Техникум
1	Қорақалпоғистон Республикаси	107,0	17,1	60,0	22,3	7,6
2	Андижон вилояти	149,6	14,8	90,0	33,9	10,8
3	Бухоро вилояти	97,7	13,8	54,5	20,8	8,6
4	Жиззах вилояти	80,9	10,7	43,6	19,5	7,1
5	Қашқадарё вилояти	142,1	17,8	92,7	25,5	6,0
6	Навоий вилояти	60,6	8,0	30,0	17,7	4,9
7	Наманган вилояти	121,5	15,1	73,6	21,9	10,9
8	Самарқанд вилояти	181,8	30,3	100,9	36,1	14,4
9	Сурхондарё вилояти	113,7	8,0	76,4	21,7	7,6
10	Сирдарё вилояти	54,4	4,3	30,0	16,8	3,3
11	Тошкент вилояти	141,4	6,2	98,2	29,7	7,4
12	Фарғона вилояти	148,1	13,2	90,0	35,1	9,8
13	Хоразм вилояти	112,3	12,0	68,2	27,2	4,9
14	Тошкент шаҳар	160,3	94,2	19,2	39,8	7,2
Хаммаси		1 671,3	265,5	927,2	368,1	110,5

Худудлардаги ўрта-махсус ўқув юртларининг ҳолатини яхшилаш ҳамда уларнинг муаммоларини ечиш бевосита маҳаллий ҳокимлик органларининг иштироки ва аралашувини талаб этади.

Шу сабабли, республика бюджетидан молиялаштириладиган академик лицейлар, касб-хунар мактаблари ва коллежлари ҳамда техникумларни сақлаш харажатларини **Қорақалпоғистон Республикаси,**

вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджети харажатлари таркибига ўтказиш таклиф этилади.

4.4. 2020 йил Давлат бюджети харажатлари таркибининг таҳлили


2021 йилги консолидациялашган бюджети харажатлари 215 945,2 млрд сўмни ёки ЯИМга нисбатан 31,9 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда.

Давлат бюджети харажатлари 149 681,6 млрд сўмни (Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиладиган 15 896,4 млрд сўм трансфертлардан ташқари), давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари 40 740,0 млрд сўмни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари 13 423,6 млрд сўмни ташкил этади.

Давлат бюджетидан мақсадли жамғармаларга ўтказиб бериладиган 15 896,4 млрд сўм миқдоридаги трансфертлар алоҳида кўрсатилган ва Қонун лойиҳасининг 1, 3, 5-иловаларида келтирилган.

3-расм

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи бўйича 2021 йил учун параметрлари (трлн. сўм)



2021 йил харажатларини ҳисоблаш тартибининг таҳлили

2021 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг харажатларини шакллантириш ҳисоб-китоблари таҳлил қилинганда, бюджет лойиҳаси қуйидаги усулда:

2020 йил ва ундан олдинги йилларда тасдиқланган ҳамда 2020 йилда якунига етказилган дастурларни харажатлар таркибидан чиқариш;

2020 йил давомида харажатлар структурасида бўлган ўзгаришлар (соҳалар ўзгариши, янги ташкил этилган ташкилотлар)ни ҳисобга олиш;

2020 йилдаги ҳамда 2021 йилда кўзда тутилган иш ҳақи, коммунал тўловлар, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни нархларининг ошиш индексларини 2020 йил учун тасдиқланган харажатларга қўллаш орқали шакллантирилганлиги маълум бўлди.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 95-моддасида Давлат бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “*бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари ва Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан айрим тадбирлар учун харажатлар ҳажмининг прогнози, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари лойиҳалари асосида*” ишлаб чиқилиши белгиланган.

Лекин, 2021 йил учун тақдим қилинган бюджет лойиҳасида бу принципга амал қилинмасдан 2020 йилги базавий харажатларга маълум бир оширувчи коэффициентлар қўлланилган ҳолда 2021 йил бюджет харажатлари лойиҳаси режалаштирилган.

Мисол учун, 2020 йил бюджетида мебель ва офис жиҳозлари учун 257,2 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, 2021 йил лойиҳасида ушбу миқдор 10 фоизга кўпайтирилиб 282,9 млрд сўм режалаштирилган.

Худди шунингдек, автотранспорт воситаларини (махсус техникадан ташқари) сотиб олиш учун 2020 йил бюджетида 319,1 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, 2021 йил лойиҳасида ушбу миқдор 10 фоизга кўпайтирилиб 351 млрд сўм режалаштирилган.

2021 йил учун консолидациялашган бюджет харажатларининг жамланма параметрлари таҳлили

Қонун лойиҳасининг 1-илоvasи билан 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2022–2023 йилларга бюджет мўлжаллари маълумот учун қабул қилиниши белгиланган.

Унга кўра давлат бюджети харажатлари давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олган ҳолда **165 578 млрд сўмни** ташкил этади.

Қонун лойиҳасининг 5-илоvasига асосан 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдори **135 629,4 млрд сўмни** ташкил этади (*шундан, 10 411,8 млрд.сўми Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар*).

Қонун лойиҳасининг 6-иловасига асосан 2021 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатлари прогнозлари **40 057,8** млрд сўмни ташкил этади (*шундан, давлат қарзига хизмат кўрсатиши билан боғлиқ харажатлар 595,8 млрд.сўмни ташкил этади*).

Таҳлил натижасида, республика бюджет ва маҳаллий бюджетларнинг жами харажатлари прогнози **164 679,8** млрд сўмни ташкил этгани ҳолда, қонуннинг 1-иловасидаги давлат бюджет харажатлари **асоссиз равишда 898,4 млрд сўмга** оширилган ҳолда кўрсатилганлиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

2021 йил учун консолидациялашган бюджет харажатларининг жамланма параметрлари тўғрисида маълумот

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Суммаси
I	Консолидациялашган бюджет (<i>Қонун лойиҳаси 1-иловада</i>)	165 578,0
1.1	<i>Давлат бюджет харажатлари</i>	<i>149 681,6</i>
1.2	<i>Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар</i>	<i>15 896,4</i>
II	Консолидациялашган бюджет (<i>таҳлилда натижаси</i>)	164 679,6
2.1	<i>Республика бюджетидан харажатлари *</i> (<i>Қонун лойиҳасининг 5-иловаси</i>)	<i>125 217,6</i>
2.2	<i>Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатлари прогнозлари **</i> (<i>Қонун лойиҳасининг 6-иловаси</i>)	<i>39 462,0</i>
III	Фарқи (I-II)	898,4

*) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар ҳисобга олинмаган.

**) Давлат қарзига хизмат кўрсатиши билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинмаган.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Қонун лойиҳасининг 1-иловаси билан маълумот учун қабул қилиниши кўзда тутилган **Давлат бюджет харажатлари миқдорини 898,4 млрд сўмга камайтириш.**

2. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги ПҚ-4836-сонли Қарорининг 9-бандида 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг штат бирликларини 10 фоизга қисқартириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритиш вазифаси юклатилган.

Мазкур топшириқ ижроси бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳисобга олинмаган. Натижада, дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича **550 млрд сўм** бюджет маблағлари 2021 йил бюджет лойиҳасида ортиқча кўзда тутилмоқда. Шу сабабли, ушбу маблағни қисқартирилиши мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини инобатга олиб (2021 йилда амалга ошириладиган тадбирлар муддати кейинги йилларга қолдирилган) 2021 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аҳолини рўйхатдан ўтказиш концепцияси харажатлари учун кўзда тутилган **80,0 млрд сўм маблағ ажратилишини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.**

4. Бюджетноманинг 4-иловаси, 30-бандида сув насос станцияларининг электр энергияси истеъмоли харажатлари учун 3 128,3 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Амалдаги 1 кв/соат электр энергия нархи 450 сўмлигини инобатга олган ҳолда 6 951,8 млн кв/соатга электр энергия учун ёки 2020 йилда кутилаётган ижро доирасида режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сонли Фармонининг 3-бандида 2030 йилгача Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмолини 25 фоизга камайтириш ҳамда сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида 50 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Хусусан, 2020 йилда 5 та, 2021 йилда 15 та, 2025 йилда 25 та ҳамда 2030 йилга қадар 50 та лойиҳани давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сонли қарорининг 1-банди, “б”-пунктида сув ресурсларини бошқариш соҳасида бозор механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали фойдаланиш харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги 2020 йил 16 сентябрдаги 84-сонли Йиғилиш баёнининг 5-бандида 2021 йил 1 июлгача 6 та ҳудудга 2 тадан ва 7 та ҳудудга 1 тадан, жами 19 та насос станциялари, вертикал суғориш қудуқлари ва бошқа сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шерикчилик асосида фойдаланишга бериш кўзда тутилган.

Юқоридаги топшириқлар ижроси юзасидан Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 19 сентябрдаги Тармоқ жадвалига мувофиқ 2020 йилда 23 та сув хўжалиги объектлари (51 дан ортиқ насос станциялар) давлат хусусий шерикчилик асосида хусусий секторга ўтказилиши ва 66,3 млрд сўмлик бюджет маблағлари қисқартирилиши кутилмоқда.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли қарори билан тасдиқланган Низомининг 21-бандига мувофиқ концепция ва лойиҳа баҳолаш ҳужжатларида сув хўжалиги объектларига бюджетдан ажратилаётган маблағлар 2021 йилда ўртача 10-20 фоизга қисқартирилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 16 сентябрь куни ўтказилган йиғилиш баёнини (84-сонли) 5-бандида 2020 йил якунига қадар ҳудудларга 151 та ва 2021 йилда республика бўйича 3 мингдан ортиқ сув олиш жойлари, сув омборлари, суғориш қудуқлари ва бошқа сув хўжалиги объектларида сувни рақамли технологиялар асосида назорат қилиш тизимини жорий этиш белгиланган.

Бу ўз навбатида, сув ресурслари ва электр энергия харажатларини сезиларли даражада қисқартирилишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2021 йил учун сув насос станцияларининг электр энергияси истеъмоли харажатлари **3 128,3 млрд сўм** ажратилишида сув насос станцияларида 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шерикчилик асосида насос станцияларини фойдаланишга берилиши ва электр энергияси тежалиши ҳисобига харажатларни қисқартирилиши инobatга **олинмаганлиги сабабли ушбу миқдорни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.**

Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари ҳамда ҳудудларга таширфларида белгиланган вазифаларнинг акс эттирилганлиги

2021 йилги Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари асосида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастур ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун **41 353,4 млрд сўм** маблағлар назарда тутилган.

Жумладан, Давлат бюджетидан 2021 йилда соҳалар кесимида қуйидаги Давлат дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

таълим соҳасида ҳозирги кун талаблари даражасидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун **2 197 млрд сўм**;

фанни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун **168 млрд сўм**;

соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича давлат дастурларига **3 952 млрд сўм**;

маданият соҳасидаги давлат дастурларини молиялаштириш учун **242 млрд сўм**;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига **407 млрд сўм**;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги давлат дастурлари ва тадбирлар учун жами **4 790 млрд сўм**, шундан:

замонавий насос ва электродвигателлар сотиб олиш харажатлари учун **103 млрд сўм**;

мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун **365 млрд сўм**;

зараркунандаларга қарши курашиш харажатларини қоплаш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш харажатларига **120 млрд сўм**;

“Тоза ҳудуд” ДУКни махсус техника ва ускуналар билан жиҳозлаш ва чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш учун **206,5 млрд сўм**;

фермер хўжалиқларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун **445 млрд сўм**;

пахта хом ашёси етиштирувчиларда ҳамда узумзорларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **239 млрд сўм**;

сув насос станцияларининг электр энергия истеъмоли учун харажатларига **3 128 млрд сўм** ажратилиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, 2021 йилги Давлат бюджети лойиҳасида:

геология-қидирув ишлари харажатларига қабул қилинган дастурларни амалга ошириш учун **1 200 млрд сўм**;

экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш харажатларига **100 млрд сўм**;

республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш ишларига **105 млрд сўм**;

уй ҳайвонларини вакцинация қилиш харажатларига **112 млрд сўм**;

давлат кадастрларни юритиш ва маълумотлар базасини шакллантиришда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри учун Давлат бюджетидан **4 млрд сўм**;

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси харажатларига **80 млрд сўм**;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тадбирларини молиялаштириш харажатларига **120 млрд сўм**;

янги меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисмини қоплашга **100 млрд сўм**;

экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга **165 млрд сўм**;

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, жумладан қишлоқ жойларда ва шаҳарларда аҳолининг муҳтож қатламларини арзон уй-жойлар билан таъминлаш ҳамда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва материалларни қайта ишлаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **2 409 млрд сўм**;

иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларни паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатлари учун **556 млрд сўм**;

нодавлат мактабгача таълим муассасаларга **600 млрд сўм**;

маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарга утиллаштириш харажатларига **200 млрд сўм**;

чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлари ва “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжалиklarини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун **70 млрд сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш учун **3 500 млрд сўм** маблағ режалаштирилмоқда.

2021 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида ва ҳудудларга амалга оширилган ташрифлари давомида берилган топшириқларни ва белгиланган тадбирларни

молиялаштириш учун 2021 йилда бюджетдан 27,3 трлн.сўм маблағлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, ҳудудларга ташрифлари ва йиғилиш баёнларидан иборат жами 95 та ҳужжатдаги 124 та топшириқлар ўрганилганда, 23 та топшириқ ижросини таъминлаш учун зарур бўлган **8 632,6 млрд сўм** маблағлар 2021 йил Давлат бюджети лойиҳасида кўзда тутилмаганлиги аниқланди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сонли Фармонига асосан 2021 йилда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун 10 млрд сўм маблағ режалаштирилмаган.

Давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун йўналтириладиган харажатлар таҳлили

2021 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида инвестицияга харажатлар 17 200 млрд сўм ёки ЯИМ га нисбатан 2,5 фоиз миқдорда кўзда тутилган.

Бюджетномада келтирилган маълумотларга кўра Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Инвестиция дастури доирасида қуйидагилар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда:

ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 5 450 млрд сўм;

маъмурий, муҳандислик инфратузилма, сув хўжалиги, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қурилиш-таъмирлаш ишларига 900 млрд сўм;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларига 1 100 млрд сўм;

автомобиль йўллари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ҳамда техникалар харид қилишга 2 600 млрд сўм;

бошқа объектлар, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа органлари ҳамда маъмурий ва бошқа объектлар қуриш ва таъмирлашга 6 250 млрд сўм;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига 900 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган.

Таклиф ва мулоҳазалар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 октябрдаги ПҚ-4864-сонли қарорини 1-бандида Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликларига **2021 йил учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда** 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун 17,1 трлн. сўм маблағлар ажратилишини кўзда тутилиши топширилган.

Мазкур талабга амал қилинмаган ҳолда Бюджетнома лойиҳасининг 3-илоvasи, 3-бандида Марказлаштирилган инвестиция харажатларига 17 200,0 млрд сўм ёки белгиланганига нисбатан **100 млрд сўм ортиқча кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 октябрдаги ПҚ-4864-сонли қарорини 9-бандида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **жорий йил 20 октябрга** қадар Дастурга киритилмаган, тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифлари асосида шакллантирилган ижтимоий соҳа ва инфратузилма лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун **Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига** киритилиши белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик, идора, лойиҳачи ташкилотлар ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда жорий йил 20 ноябрга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастлабки манзилли рўйхат асосида объектларнинг **лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилиши** белгиланган.

Юқоридаги талабларга мувофиқ дастлабки шакллантирилган манзилли рўйхатлар **Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига** киритилмаган бўлиб, ажратилаётган **17,2 трлн.сўмлик** маблағлар ҳажми ўрнатилган тартибда асослантилмаган.

Кўп квартирали уйларнинг лифт ўсқуналарини таъмирлаш ва янгилаш учун режалаштирилган маблағлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги 376-сонли қарорига асосан республика бўйича мавжуд **6 170 та** лифтлардан, 2021-2027 йилларда **3 562 та** лифтлар, шундан 3 478 таси янгиланиши, 84 таси таъмирланиши белгиланган.

Тақдим этилган бюджетнома лойиҳасида республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш учун **2021 йилда 104,5 млрд сўм** маблағ ажратилиши кўрсатилган.

Қуйидагилар сабабли, 2021 йил бюджет лойиҳасида республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш учун **104,5 млрд сўм** маблағни ажратиш мақсадга мувофиқ эмас.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан 2010-2020 йилларда Давлат бюджетидан маблағлар ажратилиб **4 653 та** лифтлар таъмирланган ва янгиланган.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонуннинг:

- 7-моддасида ширкатларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзлар ва кредитлар берилиши, таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудалари берилиши;

- 28-моддасида кўп квартирали уйнинг лифтлари, лифтнинг шахталари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар умумий мол-мулк ҳисобланиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:**

- Республика бўйича кўп квартирали уйлардаги лифтлар аҳволини тўлиқ хатловдан ўтказиш;

- ўтган йиллар давомида лифтларни янгисига алмаштириш ва таъмирлаш ишлари учун бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланганлигини ўрганиш;

- хатлов натижасида янгисига алмаштирилиши ва таъмирланиши лозим бўлган лифтларнинг аниқ сонини белгилаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган 2021-2027 йилларда кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш Дастурини қайта кўриб чиқиш;

- кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш учун зарур маблағларни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда **бошқа манбалар (бюджет маблағларидан ташқари) ҳисобидан қоплаш бўйича таклифлар киритиш.**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари

Бюджет кодексининг 73-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча, кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилиши белгиланган.

Қонун лойиҳасининг 8-моддаси билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2021 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,0 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилиши белгиланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари ҳисобидан 2019 йилда амалга оширилган харажатлар таҳлил қилинганда **жами харажатнинг 66,2 фоизи ёки 262,4 млрд сўм маблағ маҳаллий ҳокимиятларга сарфланган** (6-жадвал).

Мисол учун: Самарқанд вилоятида 80,6 фоиз ёки 33,3 млрд сўм маблағ ҳокимиятларга сарфланган, шундан 15,8 млрд сўми асосий воситаларни сотиб олиш, шу жумладан 1,2 млрд сўми хизмат енгил автотранспортлари учун харажат қилинган.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент
шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари ҳисобидан
2019 йилда амалга оширилган харажатлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

млн сўмда

№	Худудлар номи	Жами харажат	шундан				
			Хокимият	Шундан:		Таълим	Соғлиқни сақлаш
				жорий таъмир	асосий восита сотиб олиш		
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	26 448,5	19 550,7	568,0	5 597,6	444,4	913,3
2.	Андижон вилояти	43 605,4	13 917,9	1 704,7	3 658,6	5 022,1	1 105,8
3.	Бухоро вилояти	23 406,0	19 057,6	1 339,1	6 384,1	1 794,3	204,1
4.	Жиззах вилояти	19 867,9	14 918,1	606,2	4 143,5	201,9	35,9
5.	Қашқадарё вилояти	33 883,8	19 863,4	2 607,7	7 969,7	248,8	2 204,5
6.	Навоий вилояти	14 427,0	6 965,4	228,6	2 875,5	1 638,0	858,8
7.	Наманган вилояти	30 271,9	19 896,6	1 779,0	6 124,6	810,4	1 855,8
8.	Самарқанд вилояти	41 298,2	33 298,1	1 813,7	12 912,3	1 410,0	879,5
9.	Сурхондарё вилояти	27 760,6	18 931,6	1 047,9	6 395,5	843,7	205,6
10.	Сирдарё вилояти	12 155,3	9 567,4	194,4	2 525,4	114,3	26,8
11.	Тошкент вилояти	31 610,9	21 582,5	1 767,6	6 622,5	1 055,2	1 755,7
12.	Фарғона вилояти	40 502,0	24 118,4	3 706,4	7 469,3	1 328,4	767,1
13.	Хоразм вилояти	21 155,7	21 155,7	397,9	3 671,2		
14.	Тошкент шаҳри	30 012,4	19 621,3	1 710,7	6 438,1	2 187,4	12,4
	Жами	396 405,7	262 444,6	19 471,9	82 787,6	17 098,8	10 824,8

Бюджет кодексининг 119-моддаси билан Давлат бюджетининг қўшимча манбалари Давлат бюджетининг ҳар бир даражасидаги бюджетларида алоҳида-алоҳида шакллантирилиши белгиланган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиниши кўзда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида 2019 йил 9 ойи якуни билан жами қўшимча манба 4 254,7 млрд сўм (эркин қолдиқ 1 792,7 млрд сўм ва қўшимча даромад 2 462,0 млрд сўм) ва 2020 йил 9 ойи якунлари билан жами қўшимча манба 3 797,5 млрд сўм (эркин қолдиқ 1 760,3 млрд сўм ва қўшимча даромад 2 037,2 млрд сўм) шаклланган (7-жадвал).

7-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида 2019 йил 9 ойи ва 2020 йилнинг 9 ойлари якунлари билан шаклланган қўшимча манбалар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

млрд сўмда

№	Худудлар номи	2019 йил 9 ойи якуни билан жами	Шундан:		2020 йил 9 ойи якуни билан жами	Шундан:	
			эркин қолдик	қўшимча даромад		эркин қолдик	қўшимча даромад
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	580,9	352,8	228,1	337,9	163,0	174,9
2.	Андижон вилояти	515,0	193,9	321,1	291,6	181,3	110,3
3.	Бухоро вилояти	276,6	52,6	224,0	249,5	100,8	148,7
4.	Жиззах вилояти	135,0	46,0	89,0	170,4	42,5	127,9

№	Худудлар номи	2019 йил 9 ойи якуни билан жами	Шундан:		2020 йил 9 ойи якуни билан жами	Шундан:	
			эркин қолдик	қўшимча даромад		эркин қолдик	қўшимча даромад
5.	Қашқадарё вилояти	444,8	190,2	254,6	293,3	107,8	185,5
6.	Навоий вилояти	296,6	123,8	172,8	227,0	98,8	128,2
7.	Наманган вилояти	303,5	82,7	220,8	248,4	172,9	75,5
8.	Самарқанд вилояти	294,0	137,5	156,5	183,7	67,9	115,8
9.	Сурхондарё вилояти	243,1	108,0	135,1	215,5	63,1	152,4
10.	Сирдарё вилояти	185,5	111,5	74,0	133,5	75,0	58,5
11.	Тошкент вилояти	237,6	85,6	152,0	378,4	229,0	149,4
12.	Фарғона вилояти	296,9	106,3	190,6	296,8	138,4	158,4
13.	Хоразм вилояти	197,1	100,6	96,5	177,1	107,3	69,8
14.	Тошкент шаҳри	248,0	101,2	146,8	594,4	212,4	382,0
	Жами	4 254,7	1 792,7	2 462,0	3 797,5	1 760,3	2 037,2

Таклиф ва мулоҳазалар:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари ҳисобидан харажатларнинг асосий қисми маҳаллий ҳокимиятларга сарфланаётганлиги ҳамда худудларда маҳаллий бюджетлар ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар етарлича шаклланаётганлигини инобатга олган ҳолда **Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2021 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорларда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.**

4.5. Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари таҳлили

Консолидациялашган бюджет лойиҳасида Давлат мақсадли жамғармаларининг 2021 йилги жами даромадлари **26 173,9** млрд сўм, харажатлари эса **40 740** млрд сўм миқдорида прогноз қилинмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчилликка йўл қўймасдан ишлаб чиқиш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошидаги **3 757,8** млрд сўмлик қолдиқ маблағлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун **15 896,4** млрд сўмлик мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорида 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини қонун билан тасдиқлашда ахборотлар батафсил баён этилиши назарда тутилган.

Лекин давлат мақсадли жамғармаларининг 2021 йил учун мўлжалланган лойиҳасида **даромад манбалари ва харажатлар йўналишлари кўрсатилмаганлиги** ахборотларнинг очиқлиги таъминланмаслигига сабаб бўлади.

8-жадвал

Давлат мақсадли жамғармаларининг 2021 йилги даромад ва харажатлари

млрд сўм


№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	шундан мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
1	“Эл-юрт умиди” жамғармаси	1,50	30,2	30,	30,2	1,5
2	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма		150,0	150,0	150,0	
3	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	2400,0	38170,0	14700,0	36487,0	4083,0

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдик	Даромадлар	шундан мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдик
4	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	4,0	535,0	250,0	532,0	7,0
5	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш	87,2	51,0		67,7	70,5
6	Жамоат ишлари жамғармаси	70,0	250,1	250,	300,0	20,0
7	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	932,1	370,0	200,0	814,1	488,0
8	Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	28,0	150,0		150,0	28,0
9	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	6,5	206,5	125,0	213,0	
10	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси		620,3		620,3	
11	Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	163,1	277,8	71,4	146,8	294,2
12	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси		67,5		67,5	
13	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси		0,2		0,2	
14	Бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси		74,4		73,4	1,0
15	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси		125,8	80,0	125,8	

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдик	Даро-мадлар	шундан мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдик
16	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	63,0	210,0	40,0	180,0	93,0
17	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2,3	1,5		1,9	1,9
18	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги хузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси		780,0		780	
	Жами	3757,8	42070,3	15896,4	40740,0	5088,1

4-расм

Давлат мақсадли жамғармалари харажатларининг консолидациялашган бюджетдаги улуши қуйидагича.



Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Қонун лойиҳасининг 3-иловасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига давлат бюджетидан **14 700 млрд сўм** трансферт ажратиш ва 2021 йил охирида жамғармада **4 083 млрд сўм қолдиқ бўлиши кузда тутилмоқда.**

Жамғарманинг 2021 йилдаги харажатлар прогнози 36 487 млрд сўмни ташкил этиши (*бир ойлик харажатларни қоплаш учун зарур бўладиган қолдиқ маблағ миқдори 3 040 млрд сўм*) инобатга олинадиган бўлса, Жамғарма тақчиллигини қоплаш (йил бошига қолдиқлар билан) ва пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун давлат бюджетидан трансферт миқдорини **1 000 млрд сўмга камайтириш** мақсадга мувофиқ.

Маълумот учун, 2020 йил давомида жамғарманинг 1 000 млрд сўмдан ортиқ бўш пул маблағлари банкларнинг депозитларига жойлаштирилган.

2. Қонун лойиҳасининг 3-иловасида айрим давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошидаги қолдиқлари ва ўз даромадлари уларнинг харажатларини қоплаш учун етарли бўлсада, қўйидаги давлат мақсадли жамғармаларига 2021 йилда давлат бюджетидан **311,4 млрд сўм** миқдоридаги **трансфертларни берилиши мақсадга мувофиқ эмас.**

2.1 Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш давлат жамғармасининг 2021 йил учун даромадлар прогнози (*1 102,1 млрд сўм йил бошидаги қолдиқ билан биргаликда*) харажатларини (*814,1 млрд сўм*) амалга ошириш учун етарли бўлсада, 2021 йилда **200 млрд сўм** бюджет трансфертини ажратиш белгиланган.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг виночиликни ривожлантириш жамғармасининг 2021 йил учун даромадлар прогнози (*233 млрд сўм йил бошидаги қолдиқ билан биргаликда*) харажатларини (*180 млрд сўм*) амалга ошириш учун етарли бўлсада, 2021 йилда **40 млрд сўм** бюджет трансфертини ажратиш белгиланган.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг 2021 йил учун даромадлар прогнози (*369,5 млрд сўм йил бошидаги қолдиқ билан биргаликда*) харажатларини (*146,7 млрд сўм*) амалга ошириш учун етарли бўлсада, 2021 йилда **71,4 млрд сўм** бюджет трансфертини ажратиш белгиланган.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган фискал стратегиясининг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича бюджет сиёсатида:

- таълим муассасаларидан ташқари бюджет ташкилотларида моддий рағбатлантириш жамғармасидан тўловларни 5 фоиз (ҳисобий 0,8 трлн.сўм) бандга;

- таълим муассасаларида ишловчи ходимларга директор жамғармасидан тўланувчи тўловларни 4 фоиз (ҳисобий 1 трлн.сўм) бандга қисқартириш таклиф қилинган.

2020 йилда бюджет муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақини индексацияси инфляция даражасидан (*кутилаётган инфляция миқдори 11,5 фоиз*) паст миқдорда бўлганлиги ҳамда уларнинг реал даромадлари камида **10 фоизга камайганлиги** инobatга олиб, **юқоридаги қисқартиришларни амалга оширмаслик лозим.**

Бунда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг штат бирликларини 10 фоизга қисқартириш натижасида мақбуллаштириладиган **550 млрд сўм** ва давлат мақсадли жамғармаларига эҳтиёжга нисбатан ортиқча берилаётган **1 311,4 млрд сўм** бюджет трансфертларини **бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасига йўналтириш мақсадга мувофиқ.**

V. Бюджет ижросининг шаффофлиги

Бюджет жараёнининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Қонун лойиҳасида қуйидагича тартиб ўрнатилмоқда. Шундан:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларни ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чораги якуни билан кейинги ойнинг 25 санасига қадар;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чораги якуни билан кейинги иккинчи ойнинг 25 санасига қадар вазирликнинг расмий веб-сайтга жойлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан

молиялаштириладиган объектларнинг рўйхатини, лойиҳанинг қиймати ва ижроси тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини ҳамда тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасига қадар солиқ тўловчилар кесимида ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товар ва хизматлар, қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб бориш.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорида 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини қонун билан тасдиқлашда ахборотлар батафсил баён этилиши назарда тутилган.

Қонун лойиҳасининг 5-иловасида 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини белгилашда жорий харажатлар таркибида иш ҳақи харажатлари кўзда тутилган.

Бунда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан иш ҳақи харажатлари бўйича маблағларни бошқа мақсадларда сарфини олдини олиш мақсадида ҳамда бюджет харажатларининг **шаффофлигини ошириш мақсадида иш ҳақи харажатларини алоҳида қаторда кўрсатиш мақсадга мувофиқ.**

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурларида

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг рўйхатини, лойиҳанинг қиймати ва ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойнинг 20 санасига доимий равишда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

VI. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги

Қонун лойиҳасининг 10-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги белгиланмоқда.

2021 йил охиригача Давлат қарзи 25,5 млрд АҚШ доллари миқдорида прогноз қилинмоқда. Шундан 18 млрд АҚШ доллари Ўзбекистон номидан жалб қилинган ва 7,5 млрд АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси кафолатлаган ташқи қарзи ҳисобланади.

2021 йилда давлат қарзига хизмат кўрсатиш (асосий қарз ва фоиз) харажатлари 1,5 млрд АҚШ доллари миқдорида, жумладан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 0,5 млрд АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш прогноз қилинмоқда.

2021 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллиги давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағларини инобатга олган ҳолда 37,4 трлн. сўм, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиз тақчиллик билан прогноз қилинган.

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги Консолидациялашган бюджетининг прогноз кўрсаткичлари

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Қонун лойиҳаси бўйича	Ҳисоб палатаси таклифи
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	178 512,4	178 512,4
II	Консолидациялашган бюджет харажатлари	215 945,2	223 712,9

	<i>шундан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат қарзларини қоплаш харажатлари</i>		7 767,7
III	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	15 896,4	15 896,4
IV	Консолидациялашган бюджет сальдоси	-37 432,7	-45 200,5

Консолидациялашган бюджет тақчиллигининг 18 575,7 млрд сўми Давлат бюджетига тўғри келиб, уни қоплаш манбаси сифатида бюджетни кўллаб қувватлаш учун четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ва еврооблигациялар жойлаштириш ҳамда Давлат қимматли қоғозлари чиқариш ҳисобига жалб қилинадиган маблағлар белгиланган.

2021 йилги консолидациялашган бюджет тақчиллиги, шунингдек **7,8 трлн. сўм миқдоридаги асосий қарзни қайтариш харажатларини** куйидаги манбалардан қопланиши режалаштирилган:

5 трлн. сўм – ички бозорга Давлат қимматли қоғозлари чиқариш ҳисобига;

18,7 трлн. сўм – ташқи қарз маблағларини жалб қилиш ва еврооблигациялар жойлаштириш ҳисобига;

1,4 трлн. сўм – Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан;

8,1 трлн. сўм – Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан;

12,1 трлн. сўм Давлат дастурларини амалга ошириш учун вазирлик ва идоралар томонидан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Фискал стратегиянинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган давлат қарзини бошқариш сиёсати бўлимида **давлат қарзининг макроиктисодий барқарорлик учун хавфсиз даражаси** Халқаро валюта жамғармасининг методологияси асосида ҳисоблаб чиқилганлиги кўрсатилган.

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси ялпи давлат қарзининг макроиктисодий барқарорлик учун хавфсиз даражаси **ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50 фоизни** (42,7-52,9 фоиз оралиғи) ташкил этган.

Шунга мувофиқ, мамлакатда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Қонун лойиҳасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг чекланган миқдорини **ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50 фоиз этиб белгилаш мақсадга мувофиқ.**

2. Давлат қарзи стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бу Давлат қарзи бўйича маълумотлар шаффофлигини таъминлаш эканлигини инобатга олиб, ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига йўналтирилиши режалаштирилаётган 12 100 млрд сўм миқдоридаги маблағларни сарфланадиган йўналишлар ва мақсадлар кесимида Қонуннинг алоҳида иловаси билан кўрсатиш лозим.

VI. Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан таҳлиллар амалга оширилди.

Таҳлиллар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари лойиҳанинг тегишли қисмларида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси умуман олганда, республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келади деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг тўлиқлиги, харажатларни мақсадли ва самарали амалга оширилиши ҳамда бюджет жараёнида шаффофликни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан **берилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.**

*Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси*